

Судьянинг онгида - адолат, тилида - ҳақиқат,
дилида - поклик бўлиши шарт.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

4/2020

ISSN 2181-8991

ОДИЛ СУДЛОВ

Ҳуқуқий, илмий-амалий нашр

Муассис:
Ўзбекистон Республикаси
Олий суди

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Козимджан КАМИЛОВ
Икрам МУСЛИМОВ
Холмўмин ЁДГОРОВ
Бахтиёр ИСАКОВ
Мирзоулугбек АБДУСАЛОМОВ
Ибрагим АЛИМОВ
Олим ХАЛМИРЗАЕВ
Акмал МУРОДОВ
Шахноза АХАТОВА
Омонбой ОҚЮЛОВ
Азиз МИРЗАЕВ
Музаффаржон МАМАСИДДИҚОВ

© Реклама нашри ва тижорий йўл билан босилган матнлар.

Таҳририят фикри муаллиф фикридан ўзгача бўлиши мумкин.

Кўлёмалар, суратлар тақриз қилинмайди ва қайтарилмайди.

Кўчириб босилганда «Одил судлов» – «Правосудие» нашри кўрсатилиши шарт.

Журнал Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2013 йил 30 декабрдаги 201/3-сонли қарори билан докторлик диссертациялари бўйича илмий мақолалар чоп этиладиган нашрлар рўйхатига киритилган.

2017 йил 29 ноябрда Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 0026-рақам билан рўйхатга олинган. 1996 йилдан чиқа бошлаган.

Бош муҳаррир
Камол УБАЙДИЛЛОЕВ

Масъул котиб
Муталиф СОДИҚОВ

Журнал 2015 йилда «Жамият ва мен» республика танловида «Энг яхши ёритилган ҳуқуқий мавзулар» йўналиши бўйича голиб деб топилган.

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
100097, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани,
Чўпонота кўчаси, 6-уй
Х/р 20210000300101763001
ХАБ «Трастбанк» Тошкент филиали
МФО 00850, СТИР 201403038

ТЕЛЕФОН: 278-96-54, 278-91-96,
278-25-96, **ФАКС:** 273-96-60

Email: odilsudlov.oliy@sud.uz
www: odilsudlov.sud.uz

Босишга 2020 йил 5 майда рухсат этилди. Қоғоз бичими 60X84 1/8. 10 босма табоқ. Офсет усулида чоп этилди. Журнал таҳририят компьютерида терилди ва саҳифаланди. Буюртма – 18. Нашр адади 5750 нусха.

Навбатчи муҳаррир
Муталиф СОДИҚОВ

ИНДЕКС:
якка тартибдаги обуначилар
учун – 908;
ташкilotлар учун – 909.

Сотувда келишилган нархда

«SILVER STAR PRINT» МЧЖ
босмаҳонасида чоп этилди.
Босмаҳона манзили: 100 139,
Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, 22-даҳа, 17-уй

ОЛИЙ СУД ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Суд муҳокамаси ошқоралигини ва судлар фаолиятига доир ахборот олиш ҳуқуқини таъминлаш тўғрисида»ги қарори.....3

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ва Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг айрим қарорларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг баъзи қарорларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида»ги қарори.....9

ИҚТИСОДИЙ ИШЛАР БЎЙИЧА СУД АМАЛИЁТИ.....16

ФУҚАРОЛИК ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУД АМАЛИЁТИ.....28

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

М.Абабакиров. Карантин қоидаларига риоя этмаслик учун жавобгарлик муқаррар.....37

МУАММО ВА ЕЧИМ

Б. Сайфуллаев. Иқтисодий ишларни апелляция ва кассация инстанцияси судларида кўриш амалиёти.....40

ИСЛОҲОТЛАР ЙЎЛИДА

И. Исмаилов. Хавфсизликни таъминлаш – туризмни ривожлантириш гарови...43

НИКОҲ ВА ОИЛА

Б. Шерматов, Р. Джўраев. Оила – қонун ҳимоясида.....47

МУНОСАБАТ

А. Худойбердиев. Оммавий тадбирлар ўтказиш жараёнида жамоат тартибини сақлашни ташкилий-ҳуқуқий таъминлаш.....48

ЮРИСТ КАРТОТЕКАСИ/КАРТотека ЮРИСТА.....79



Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг
ҚАРОРИ

СУД МУҲОКАМАСИ ОШКОРАЛИГИНИ ВА СУДЛАР ФАОЛИЯТИГА ДОИР АХБОРОТ ОЛИШ ҲУҚУҚИНИ ТАЪМИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

2020 йил 21 февраль

04-сонли

Тошкент шаҳри

Суд муҳокамаси ошкоралигини, судлар фаолиятига доир ахборот олиш ҳуқуқи амалга оширилишини, шунингдек судлар томонидан мазкур масалага оид қонун ҳужжатлари бир хилда қўлланилишини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисида»ги Қонуни 17-моддасига асосланиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Судларга тушунтирилсинки, суд муҳокамаси ошкоралиги, судлар фаолияти тўғрисида жамоатчиликка ўз вақтида ва объектив ахборот бериш жамиятда ҳуқуқий хабардорлик даражаси ошишига имкон яратади, одил судловни амалга оширишнинг муҳим қафолати ҳисобланади, судлов фаолияти устидан жамоатчилик назоратини таъминлаш ва судга нисбатан жамият ишончини оширишнинг самарали воситаси ҳисобланади.

Шу муносабат билан судлар суд муҳокамаси ошкоралиги ва судлар фаолиятига доир ахборотни олиш ҳуқуқини амалга ошириш учун зарур шароит яратишлари лозим.

2. Судлар шунини эътиборга олишлари лозимки, суд муҳокамаси ошкоралигини, фуқаролар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари

ва оммавий ахборот воситалари вакилларининг судлар фаолиятига доир ахборотдан хабардорлигини таъминлаш Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, «Судлар тўғрисида»ги, «Ахборот олиш қафолатлари ва эркинлиги тўғрисида»ги, «Ахборот эркинлиги принциплари ва қафолатлари тўғрисида»ги, «Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги, «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги, «Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги, «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги қонунларига, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ, тегишлича, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси (бундан буён матнда ФПК деб юритилади), Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси (бундан буён матнда ЖПК деб юритилади), Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси (бундан буён матнда ИПК деб юритилади), Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси (бундан буён матнда МСИЮТК деб юритилади), Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига (бундан буён матнда МЖТК деб юритилади) белгиланган тартибда амалга оширилади.

3. Судлар фаолиятига доир ахборотни олиш ҳуқуқини фуқароларнинг тили, жин-

сий, ирқий, миллий мансублиги, диний, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеига қараб чеклашга йўл қўйилмайди.

4. Суд муҳокамаси ошкоралиги, судлар фаолиятига доир ахборотни олиш фуқаролик, жиноят, иқтисодий ва маъмурий суд ишларини юритиш вазифаларини амалга оширишга хизмат қилиши ва судлов фаолиятига бирон-бир тарзда аралаштиришга олиб келмаслиги лозим, чунки Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 112-моддасига кўра, судьялар мустақилдирлар ва фақат қонунга бўйсундилар.

5. Тушунтирилсинки, оммавий ахборот воситалари муайян иш юзасидан суд муҳокамаси натижаларини олдиндан башорат қилишга ёки судга бошқача тарзда таъсир этишга (босим ўтказишга) ҳақли эмас.

Судья суд қарори қонуний кучга кирмаган иш бўйича интервью беришга ёхуд оммавий ахборот воситаларида чиқиш қилишга ҳақли эмас.

6. Суд муҳокамаси ошкоралиги процесс иштирокчиси бўлмаган шахсларга, шу жумладан, оммавий ахборот воситалари вакиллари суд мажлисида қатнашиш имконияти берилиши билан таъминланади.

Очиқ суд мажлисларини процесс иштирокчиси бўлмаган шахслар қатнашишини истисно этадиган биноларда ўтказишга йўл қўйилмайди.

Очиқ суд мажлисида процесс иштирокчиси бўлмаган вояга етмаганлар ҳозир бўлишига фақат тегишли процессуал қонун талаблари инобатга олган ҳолда йўл қўйилади.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари очик суд мажлисида иш бўйича маълумотлар олиш мақсадида қатнашиши маълумот олишнинг қонуний йўли эканлигини инобатга олиб, уларнинг қонунда назарда тутилмаган асосларга кўра, суд мажлиси залига киришига тўсқинлик қилишга йўл қўйилмайди.

7. Иш муҳокамаси тўлиқ ёки қисман ёпиқ суд мажлисида ўтказилишига фақат қонунда назарда тутилган асосларга кўра йўл қўйилади (ФПК 12-моддаси иккинчи қисми, ЖПК 19-моддаси биринчи, учинчи, тўртинчи, бешинчи қисмлари, ИПК 11-моддаси иккинчи қисми, МСИЮтК 13-моддаси иккинчи қисми).

Иш муҳокамасини ёпиқ суд мажлисида ўтказиш тўғрисида суд асослантирилган ажрим чиқаради ва унда процесс иштирокчилари бўлмаган шахсларнинг, оммавий ахборот воситалари вакиллари суд мажлиси залига эркин киришига тўсқинлик қиладиган аниқ ҳолатлар кўрсатилиши керак.

Иш ёпиқ суд мажлисида муҳокама қилиниши тўғрисидаги маълумот ҳамма учун очик бўлиши лозим.

Иш муҳокамаси ёпиқ суд мажлисида ўтказилиши ҳақида суд мажлиси баённомасида ва иш бўйича қабул қилинган суд ҳужжатининг кириш қисмида ҳам кўрсатилади.

8. Иш муҳокамаси ёпиқ суд мажлисида ўтказилиши тўғрисидаги ажрим эълон қилинганга қадар процесс иштирокчилари бўлмаган шахслар, оммавий ахборот воситалари вакиллари суд мажлиси залидан четлаштирилиши мумкин эмас. Иш муҳокамаси ёпиқ суд мажлисида ўтказилиши тўғрисидаги қарор ишни суд муҳокамасига тайинлаш чоғида қабул қилинган ҳолларда, процесс иштирокчилари бўлмаган шахслар, оммавий ахборот воситалари вакиллари суд мажлиси залига киритилмайди.

Иш муҳокамасини ёпиқ суд мажлисида ўтказиш ҳақидаги ажрим эълон қилинганидан сўнг процесс иштирокчилари бўлмаган шахслар, оммавий ахборот воситалари вакиллари суд мажлиси залидан четлаштирилиб, бу ҳақда суд мажлиси баённомасида қайд этилади.

Агар суд томонидан жиноят ишининг муайян қисми ёпиқ суд мажлисида муҳокама қилиниши тўғрисида қарор қабул

қилинса, процесс иштирокчиси бўлмаган шахслар, оммавий ахборот воситалари вакиллари суд мажлисининг шу қисмига киритилмайди.

Ёпиқ суд мажлисини видеоконференц-лоқа режимида ўтказишга йўл қўйилмайди, бундай мажлисда аудио- ва видеоёзув амалга оширилмайди.

Ёпиқ суд мажлиси ўтказилганда ишни электрон тарзда шакллантиришга йўл қўйилмайди.

9. Агар фуқаролик ишида, шунингдек маъмурий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиққан ишда давлат сирга ва қонун билан қўриқланадиган бошқа сирга оид маълумотлар мавжуд бўлса ёки фуқаролик иши ёпиқ суд мажлисида қўрилиши шартлиги қонунда назарда тутилган бўлса, суд фуқаролик ишини ёпиқ суд мажлисида қўриб чиқади.

Процесс иштирокчисининг илтимосномасига биноан, суд шахсий ҳаёт дахлсизлигини ёки қонун билан қўриқланадиган маълумотлар сир сақланишини таъминлаш мақсадида фуқаролик ишини, шунингдек маъмурий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиққан ишни ёпиқ суд мажлисида қўриб чиқишга ҳақли (ФПК 12-моддаси иккинчи ва учинчи қисмлари, МСИЮтК 13-моддаси иккинчи қисми).

Бунда шуни назарда тутиш лозимки, суд муҳокамаси ёпиқ суд мажлисида ўтказилиши тўғрисидаги илтимоснома нафақат ўз шахсий манфаатлари борасида илтимоснома киритаётган шахс ва (ёки) унинг вакили томонидан, балки ФПК 50, 52-моддаларига кўра, бошқа шахслар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ваколати берилган шахслар (масалан, прокурор, васийлик ва ҳомийлик органи ва ҳ.к.) томонидан ҳам берилиши мумкин.

10. Жиноят ишини ёпиқ суд мажлисида ўтказишга ЖПК 19-моддаси биринчи ва учинчи қисмларида назарда тутилган асослар мавжуд бўлганда йўл қўйилади.

11. Давлат сирини ва қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни сақлаш мақсадида ишнинг ёпиқ суд мажлисида муҳокама қилинишига, фақат Ўзбекистон Республикасининг «Давлат сирларини сақлаш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ ишда давлат сирини ва қонун билан қўриқланадиган бошқа сирга оид маълумотлар мавжуд бўлганда йўл қўйилади.

12. Иш тижорат сирини сақлаш мақсадида ёпиқ суд мажлисида, башарти бундай маълумотга эга бўлган ва тегишли илтимоснома киритган шахс Ўзбекистон Республикасининг «Тижорат сирини тўғрисида»ги Қонуни 10-моддасига мувофиқ, тижорат сирини муҳофаза қилиш чора-тадбирини кўрган бўлса, муҳокама қилиниши мумкин.

Иш муҳокамасини тижорат сирини сақлаш учун ёпиқ суд мажлисида ўтказиш масаласини ҳал этишда, судлар Ўзбекистон Республикасининг «Тижорат сирини тўғрисида»ги Қонуни 5-моддасида назарда тутилган маълумотларга нисбатан тижорат сирини режими татбиқ этилмаслигини ҳисобга олишлари лозим.

13. Шахсининг шахсий ҳаёти дахлсизлигига бўлган ҳуқуқини таъминлаш учун иш муҳокамасини ёпиқ суд мажлисида ўтказиш масаласини ҳал этишда, судлар бундай маълумотлар хусусияти ва мазмунини, шунингдек улар ошкор қилиниши натижасида келиб чиқиши мумкин бўлган оқибатларни эътиборга олишлари лозим.

14. Шуни инобатга олиш лозимки, қонунга кўра:

а) очик суд мажлисини фототасвирга тушириш, видеоёзувни амалга ошириш, шунингдек оммавий ахборот воситаларида трансляция қилишга қуйидаги тартибда йўл қўйилади:

фуқаролик ишини кўриш пайтида – суд мажлисида раислик қилувчининг тарафлар розилиги олингандан кейин берган рухсати билан;

жиноят, маъмурий, иқтисодий ишни ва маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриш пайтида – суд мажлисида раислик қилувчининг тарафлар фикрини эшитгандан кейин берган рухсати билан;

б) очик суд мажлисида аудиоёзувни амалга оширишга қуйидаги тартибда йўл қўйилади:

фуқаролик ишини кўриш пайтида – суд мажлисида раислик қилувчининг тарафлар розилиги олингандан кейин берган рухсати билан;

жиноят иши ва маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриш пайтида – суд мажлисида раислик қилувчининг тарафлар фикрини эшитгандан кейин берган рухсати билан.

Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, суд мажлиси залида ҳозир бўлганлар ҳар қандай иш бўйича эркин тарзда ёзма қайдлар қилишлари, стенограмма юритишлари, иқтисодий иш ёки маъмурий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиққан иш кўрилатганда эса, шунингдек аудиоёзув олиб боришлари мумкин.

Процесс иштирокчилари илтимосномаларини, оммавий ахборот воситалари вакиллари мурожаатларини қаноатлантириш ёки рад этиш ҳақида суд жойида ажрим чиқаради ва суд мажлиси баённомасига киритади.

Суд оммавий ахборот воситалари вакилларини тарқатилаётган ахборотнинг тўғрилиги, ҳаққонийлиги, холислиги ва ишончилиги учун жавобгарлик ҳақида огоҳлантиради ва бу ҳақда суд мажлиси баённомасида ёзиб қўйилади.

15. Суд мажлиси боришини қонунда йўл қўйилган кўринишда қайд этишни амалга ошираётган шахслар ҳаракати суд мажлиси тартибига халақит бермаслиги лозим.

Суд мажлисида иштирок этаётган ва унинг боришини қайд этиш ҳуқуқидан фойдаланаётган шахслар томонидан бу ҳуқуқнинг суиистеъмол қилиниши суд мажлиси тартибини бузиш ҳисобланади. Бундай ҳол-

да суд айбдор шахсларга нисбатан процессуал қонунда назарда тутилган таъсир чораларини қўллашга ҳақли.

16. Шунинг назарда тутиш лозимки, суд мажлисида қатнашиш учун келган шахслар, шу жумладан, оммавий ахборот воситалари вакиллари суд биносига кириши суднинг ички фаолиятини тартибга солувчи ҳужжатлар билан ўрнатилган қоидаларга қатъий риоя қилинган ҳолда таъминланиши лозим. Шу муносабат билан судлар ушбу ҳужжатлар билан суд биносига кириш жойида танишиш имкониятини таъминлашлари зарур.

Бунда шунинг назарда тутиш лозимки, чет давлатлар оммавий ахборот воситалари вакиллари суд мажлиси залига улар Ўзбекистон Республикасида аккредитация қилинганлиги тўғрисида ҳужжат тақдим этган тақдирда киритиладилар.

17. Процессуал қонун талабларига мувофиқ фуқаролик, жиноят, иқтисодий, маъмурий ишлар ва маъмурий ҳуқуқбузарликларга оид ишларни кўриш натижаси бўйича қабул қилинган суд ҳужжатлари, суд муҳокамаси очик ёки ёпиқ тарзда ўтказилишидан қатъи назар, ошқора эълон қилинади, қонунда тўғридан-тўғри назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно. Жумладан, вояга етмаган шахснинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига тегишли ёпиқ суд мажлисида кўрилган фуқаролик иши бўйича суд қарори (масалан, фарзандликка олиш ҳақидаги) ошқора эълон қилинмайди.

18. Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, процесс иштирокчиси бўлмаган шахслар, шу жумладан, оммавий ахборот воситалари вакиллари очик суд мажлисида қатнашишини чекловчи ёки уларга монелик қилувчи шароит яратилиши ман этилади ва бундай ҳолат процессуал қонун бузилиши деб ҳисобланади ва қонунда белгиланган жавобгарлик келиб чиқишига сабаб бўлади.

19. Судлар фаолияти тўғрисидаги ахборот умумфойдаланиш учун очик ҳисобла-

нади, ахборотдан фойдаланиш қонун билан чекланган ҳоллар бундан мустасно (Ўзбекистон Республикасининг «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги Қонуни 6-моддаси).

Фойдаланилиши чеклаб қўйилган ахборотга, жумладан, қуйидагилар қиради:

давлат сирларига доир, (Ўзбекистон Республикасининг «Давлат сирларини сақлаш тўғрисида»ги Қонуни 3, 5-моддалари);

қонун билан қўриқланадиган бошқа сирга доир (масалан, фарзандликка олиш сири) (Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 153-моддаси);

шифокорлик сирига доир (Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида»ги Қонуни 25-моддаси бешинчи қисми, Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш тўғрисида»ги Қонуни 19-моддаси);

қонунга асосан фойдаланиш чекланган бошқа ахборотлар.

Суд ахборотнинг муайян қисми фойдаланиш учун чекланганлигини сабаб қилиб, талаб этилган ахборотни беришини рад қилишга ҳақли эмас. Бундай ҳолатда ахборотнинг умумфойдаланиш учун очиқ қисми тақдим этилади.

20. Фойдаланувчиларга тақдим этилаётган ахборот ўз вақтида берилиши ва қонунда белгиланган муддатда тақдим этилиши лозим.

21. Судлар фаолиятига доир маълумот фойдаланувчиларга уларнинг сўровига асосан, яъни оғзаки ёки ёзма шаклда, шу жумладан, электрон ҳужжат кўринишидаги мурожаатига асосан тақдим этилиши мумкин. Умумжаҳон ахборот Интернет тармоғи (бундан буён матнда Интернет тармоғи деб юритилади) орқали судга келиб тушган сўровга, яъни электрон ҳужжат тарзидаги сўровга ёзма сўровларни расмийлаштиришга нисбатан қўйиладиган талаблар қўлланилади.

Оғзаки сўров бўйича судлар фаолиятига доир махсус текширишни ва излашни талаб этмайдиган ахборот тақдим этилиши мумкин. Масалан, оғзаки сўровга асосан суд мажлиси вақти ва жойи, иш кўрилиши босқичи ва натижаси ҳақидаги, иш судловга тегишлилиги бўйича юборилганлиги ҳақидаги ахборот берилиши мумкин.

22. Судлар шуни инобатга олишлари лозимки, қонунга кўра, маълумот тақдим этиш тўғрисидаги мурожаатни кўриб чиқиш муддати уни рўйхатга олинган кундан бошланади. Сўралган ахборотни ўз вақтида тақдим этиш мақсадида судлар келиб тушган мурожаатларни рўйхатга олиш ва уларга жавоб бериш юзасидан судда иш юритишни тартибга солувчи ҳужжатларда белгиланган муддатларга риоя этилишини таъминлашлари лозим.

23. Судлар шуни эътиборга олишлари лозимки, сўралган маълумот оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган ва (ёки) судларнинг Интернет тармоғида расмий веб-сайтларида жойлаштирилган бўлса, судлар оммавий ахборот воситасининг номи, санаси ва чиқиш рақами ҳамда (ёки) расмий веб-сайтнинг сўралган маълумот жойлаштирилган саҳифасини кўрсатиш билан чекланишга ҳақли.

24. Фойдаланувчиларни архив фондларида сақланаётган судлар фаолиятига доир ахборот билан танишиши архив ишига оид қонун ҳужжатлари ҳамда унга мувофиқ қабул қилинаётган бошқа ҳужжатлар билан белгиланган тартибда амалга оширилади.

25. Судлар фаолиятига доир ахборот оммавий ахборот воситалари ва Интернет тармоғи орқали тарқатилади.

Судлар фаолиятига доир Интернет тармоғида жойлаштирилиши шарт бўлган маълумотлар Ўзбекистон Республикасининг «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг очиқлиги тўғрисида»ги Қонуни 5-моддасида келтирилган рўйхатдан келиб чиққан ҳолда белгиланиши лозим.

26. Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, судларнинг расмий веб-сайтларида суд қарорлари матнларини жойлаштириш ФПК 12-моддаси еттинчи қисми, ЖПК 19-моддаси ўн биринчи қисми, ИПК 11-моддаси олтинчи қисми талабларига мувофиқ амалга оширилиши лозим. Суд қарорлари матнидан давлат сирлари ёки бошқа қонун билан қўриқланадиган сирга доир маълумотлар чиқарилиши лозим. Қонуний кучга кирган суд қарорлари матни суднинг расмий веб-сайтида эгасизлаштирилган ҳолда ёки процесс иштирокчилари розилиги билан тўлиқ эълон қилиниши мумкин. Қонунга мувофиқ эълон қилиниши талаб этиладиган (масалан, норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ёки унинг бир қисмини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги), суд қарорлари матнлари судлар расмий веб-сайтларида тўлиқ ҳажмда жойлаштирилади.

27. Фойдаланувчиларни судлар иши тўғрисидаги кундалик ахборот билан таништириш учун суд биноларида маълумотлар пештахтаси ва (ёки) шундай вазифа бажарадиган техник воситалар ўрнатилиши лозим бўлиб, уларда қуйидаги маълумотлар берилди:

суднинг ҳуқуқий мақомини белгиловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида (уларнинг рўйхати);

суднинг иш тартиби, ишонч телефони рақамлари тўғрисида;

аризалар, таклифлар ва шикоятларни қабул қилиш тартиби тўғрисида;

ўтказиладиган суд мажлислари, шу жумладан, очиқ суд мажлислари тўғрисида;

суднинг фаолияти тўғрисидаги ахборот бериш тартиби тўғрисида.

Ахборот пештахталари ташриф буюрган шахсларга қулай жойларда ўрнатилган бўлиши лозим.

Ўтказиладиган очиқ суд мажлислари ҳақидаги хабарлар тегишли суднинг расмий веб-сайтида ҳам эълон қилиниши лозим.

28. Судларда уларнинг фаолияти тўғрисида ахборот олишни таъминловчи қонунга зид бўлмаган ва судьялар мустақиллиги принципини бузмайдиган бошқа усуллардан ҳам фойдаланиш мумкин (хусусан, фуқароларни, жамоатчилик вакилларини қабул қилиш, брифинг, интервью, матбуот конференцияларини ўтказиш, оммавий ахборот воситалари ва аҳоли олдида чиқишлар қилиш, пресс-релизлар тарқатиш ва ҳ.к.).

29. Жамоатчилик билан доимий алоқада бўлишни таъминлаш мақсадида судларнинг расмий вакиллари оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик қилади.

30. Жамоатчиликни судлар фаолияти тўғрисида хабардор этиш мақсадида вилоятлар ва уларга тенглаштирилган судлар, туманлараро, туман (шаҳар) судлари раислари:

йилда камида бир марта фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини, шунингдек корхона, муассаса ва ташкилотлар ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини суд томонидан ҳимоя қилиниши ҳолати юзасидан тегишли давлат вакиллик органига маълумот тақдим этишлари;

ойида камида бир марта судьяларнинг жойларда аҳоли билан учрашувларини ташкил этишлари лозим.

31. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судлов ҳайъатлари, вилоятлар ва уларга тенглаштирилган судлар раислари ҳар чоракда ишларнинг тегишлича назорат, апелляция ва кассация тартибида кўрилиши юзасидан ҳар чоракда суд обзорларини чоп этилишини таъминласинлар.

Ўзбекистон Республикаси

Олий суди раиси

К. КАМИЛОВ

Пленум котиби,

Олий суд судьяси

И. АЛИМОВ

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг
ҚАРОРИ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ ПЛЕНУМИ
ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ХЎЖАЛИК СУДИ
ПЛЕНУМИНИНГ АЙРИМ ҚАРОРЛАРИГА ЎЗГАРТИШ ВА
ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ХЎЖАЛИК СУДИ ПЛЕНУМИНИНГ БАЪЗИ
ҚАРОРЛАРИНИ ЎЗ КУЧИНИ ЙЎҚОТГАН ДЕБ
ҲИСОБЛАШ ТЎҒРИСИДА**

2020 йил 21 февраль

05-сонли

Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат божи тўғрисида» 2020 йил 6 январдаги ЎРҚ-600-сонли Қонуни қабул қилиниши, шунингдек қонунчиликка ўзгартиш ва қўшимчалар киритилганлиги муносабати билан, «Судлар тўғрисида»ги Қонуннинг 17-моддасига асосан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

I. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ва Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг қуйидаги қарорларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Хусусийлаштирилган турар жойларга эгалик қилиш, улардан фойдаланиш ва уларни тасарруф қилиш билан боғлиқ ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида» 1997 йил 2 майдаги 3-сонли қарори **25-бандининг биринчи хатбошисидаги** «Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 3 ноябрдаги 533-сонли «Давлат божи ставкалари тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикасининг «Давлат божи тўғрисида»ги Қонуни билан белгиланган давлат божи ставкаларининг миқдорларига мувофиқ» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Фуқаролик кодексини татиқ қилишда суд амалиётида вужудга келадиган айрим масалалар тўғрисида» 1999 йил 24 сентябрдаги 16-сонли қарорининг **24-банди** чиқариб ташлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Маънавий зарарни қоплаш ҳақидаги қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида» 2000 йил 28 апрелдаги 7-сонли қарорининг **16-бандидаги** «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 3 ноябрдаги 533-сонли қарори билан тасдиқланган «Давлат божи ставкалари»нинг 1-моддасининг «д» бандига биноан мулкка оид бўлмаган даъво аризалардан» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикасининг «Давлат божи тўғрисида»ги Қонуни билан белгиланган давлат божи ставкаларининг миқдорларига мувофиқ мулкка оид бўлмаган даъво аризалардан» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг «Банкротлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларини иқтисодий судлар томонидан қўллашнинг айрим масалалари ҳақида» 2006 йил 27 январдаги 142-сонли қарори:

1-бандидаги «(бюджет ташкилотлари бундан мустасно)» деган сўзлар «(давлат

корхоналарига ва нотижорат ташкилотларига нисбатан татбиқ этилмайди, бундан матлубот кооперативи ёки ижтимоий фонд шаклида иш юритаётган юридик шахслар мустасно)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2-банди:

биринчи хатбошисидаги «Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органи, шунингдек давлат солиқ хизмати органи ва прокурорнинг қарздорнинг банкротлиги тўғрисида иш қўзғатиш ҳақидаги аризалари иқтисодий судлар томонидан давлат божи тўловисиз иш юритишга қабул қилинади. Иқтисодий суд томонидан ариза қаноатлантирилган тақдирда, давлат божи қарздордан ундирилади. Давлат божи тўлашдан озод қилинган давлат органлари ҳамда бошқа шахслар томонидан кредиторнинг манфаатларини кўзлаб тақдим этилган аризани қаноатлантириш рад этилган тақдирда, давлат божи ариза қайси шахснинг манфаатларини кўзлаб тақдим этилган бўлса, шу шахсдан ундирилади»;

3-бандидаги «ўзини банкрот деб топиш тўғрисидаги» деган сўзлар «банкротлик тўғрисида иш қўзғатиш ҳақидаги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4-бандининг биринчи хатбошисидаги «қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги» деган сўзлар «қарздорнинг банкротлиги тўғрисида иш қўзғатиш ҳақидаги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6-банди:

биринчи хатбошисидаги «қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги» деган сўз-

лар «қарздорнинг банкротлиги тўғрисида иш қўзғатиш ҳақидаги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошисидаги «қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги» деган сўзлар «қарздорнинг банкротлиги тўғрисида иш қўзғатиш ҳақидаги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

7-банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«7. Қонунда бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, қарздорнинг банкротлиги тўғрисида иш қўзғатиш ҳақидаги аризани қабул қилишда судья қарздор юридик шахсга нисбатан базавий ҳисоблаш миқдорининг камида уч юз бараваридан, қарздор шахарни ташкил этувчи корхона ҳамда унга тенглаштирилган корхонага нисбатан базавий ҳисоблаш миқдорининг камида беш минг бараваридан, қарздор якка тартибдаги тадбиркорга ёки якка тартибдаги тадбиркор мақомини йўқотган жисмоний шахсга нисбатан эса, базавий ҳисоблаш миқдорининг камида йигирма бараваридан кам бўлмаган миқдорда жами қарзи мавжудлигини ва бу мажбуриятлар юзага келган кундан эътиборан уч ой, қарздор шахарни ташкил этувчи корхона ҳамда унга тенглаштирилган корхона олти ой давомида бажарилмаганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни текшириши зарур. Агар бундай ҳужжатлар тақдим этилмаган бўлса, аризани қабул қилиш Қонун 45-моддасининг бешинчи қисми ва ИПК 154-моддаси биринчи қисмининг 1-бандига асосан рад этилади»;

8-банди:

иккинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Мол-мулки мавжуд бўлган қарздор юридик шахсга нисбатан банкротлик тўғрисидаги иш қўзғатиш ҳақидаги ариза билан иқтисодий судга мурожаат қилинганда, унда муваққат бошқарувчининг номзоди кўрсатилади. Аризада муваққат бошқарувчининг номзоди кўрсатилмаган бўлса, у ҳолда иқти-

содий суд аризачидан ёки банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органидан ёхуд суд бошқарувчиларининг профессионал бирлашмасидан тегишли номзодни тақдим этишни талаб қилади. Бундай ҳолатда кўзатиш таомилини жорий этиш ва муваққат бошқарувчини тайинлаш масаласи Қонун 48-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ банкротлик тўғрисидаги иш қўзғатиш ҳақидаги ариза тушган кундан эътиборан ўн кундан кечиктирмай ҳал қилинади»;

учинчи хатбошисидаги «қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги» деган сўзлар «қарздорнинг банкротлиги тўғрисида иш қўзғатиш ҳақидаги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбошисидаги «қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги» деган сўзлар «қарздорнинг банкротлиги тўғрисида иш қўзғатиш ҳақидаги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

10-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«10. Банкротлик тўғрисидаги иш иқтисодий суднинг мажлисида банкротлик тўғрисида иш қўзғатиш ҳақидаги ариза иш юртишга қабул қилинганлиги тўғрисида ажрим чиқарилган кундан эътиборан бир ойдан ортиқ бўлмаган муддатда кўриб чиқилиши лозим.

Банкротлик тўғрисидаги ишни кўриш алоҳида ҳолларда иқтисодий суднинг раиси томонидан Қонуннинг 49-моддасига мувофиқ бир ойдан ошмаган муддатга узайтирилиши мумкин»;

13.3-бандининг еттинчи ва саккизинчи хатбошилари чиқариб ташлансин;

19-банди:

биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Кредиторларнинг биринчи йиғилишини ўтказиш учун кредиторларнинг талаблари реестрига киритиладиган пул мажбуриятлари ва мажбурий тўловларнинг миқдори

иқтисодий суд томонидан қарздорга нисбатан банкротлик тўғрисидаги иш қўзғатиш ҳақидаги аризани қабул қилиш санасига белгиланади. Қарздорнинг банкротлиги тўғрисида иш қўзғатиш ҳақидаги ариза иқтисодий суд томонидан қабул қилингунга ва банкротликнинг тегишли таомилини жорий этишга қадар ижро муддати келган қарздорнинг кредиторлар олдидаги мажбуриятлари кредиторларнинг талаблари реестрига киритилади»;

иккинчи хатбошисидаги «қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги» деган сўзлар «қарздорнинг банкротлиги тўғрисида иш қўзғатиш ҳақидаги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

бешинчи хатбошисидаги «қарздорни банкрот деб топиш ҳақидаги» деган сўзлар «қарздорнинг банкротлиги тўғрисида иш қўзғатиш ҳақидаги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

еттинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қарздорнинг чет эл валютасида қарзи мавжуд бўлганда, агар кредитор ва қарздор ўртасида тузилган шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, кредиторларнинг биринчи йиғилишини ўтказиш учун кредиторларнинг талаблари реестрига киритиладиган кредиторларнинг талаблари миқдори қарздорнинг банкротлиги тўғрисида иш қўзғатиш тўғрисидаги ариза иқтисодий суд томонидан қабул қилинган санадаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган расмий курс билан, кейинги таомилларда эса Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (22-сонли БҲМС) «Чет эл валютасида ифодаланган активлар ва мажбуриятларнинг ҳисоби»да назарда тутилган тартибда (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 21 майда 1364-сон билан рўйхатга олинган) белгиланади»;

саккизинчи хатбошисидаги «Қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги» деган сўзлар «Қарздорнинг банкротлиги тўғрисида иш қўзғатиш тўғрисидаги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

20-банди:

қуйидаги мазмундаги **иккинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«Корхонанинг раҳбарига ёки муассисларига (иштирокчиларига) ёхуд мулкдорига нисбатан корхонани банкротликка олиб келган ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) учун жиноят иши қўзғатилган тақдирда ҳам банкротлик тўғрисидаги иш бўйича иш юритиш тўхтатиб турилади. Суднинг қўзғатилган жиноят иши бўйича қабул қилинган суд ҳужжати қонуний кучга кирганда ёки тергов ҳаракатлари тугаганда банкротлик тўғрисидаги иш бўйича иш юритиш тикланади»;

иккинчи хатбошиси учинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

21-бандининг учинчи ва тўртинчи хатбошиларидаги «хўжалик судининг» деган сўзлар «иктисодий суднинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

28-бандининг иккинчи хатбошисидаги «ўттиз олти» деган сўзлар «ўттиз» деган сўз билан алмаштирилсин;

30-банди:

биринчи хатбошисидаги «бир йилдан» деган сўзлар «тўққиз ойдан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Зарурат бўлганда Қонун 124-моддасининг учинчи қисмида санаб ўтилган ҳолатлар мавжуд бўлса, банкротлик тўғрисидаги ишда иштирок этувчи шахснинг илтимосномасига кўра ёки иқтисодий суднинг ташаббуси билан бу муддат кўпи билан уч ойга узайтирилиши мумкин»;

31-банди қуйидаги мазмундаги **учинчи хатбошиси** билан тўлдирилсин:

«Судлар эътиборга олиши керакки, кели-

шув битимини тузиш масаласи кўрилаётган кредиторлар йиғилишида биринчи, иккинчи ва учинчи гуруҳ кредиторлари овозга эга ва қарор, башарти кредиторлар йиғилишида иштирок этаётган ушбу гуруҳлар кредиторларининг кўпчилиги уни ёқлаб овоз берган бўлса, қабул қилинган деб ҳисобланади»;

34-бандидаги «Шаҳарни ташкил этувчи ва уларга тенглаштирилган корхоналарни банкрот деб топиш тўғрисидаги» деган сўзлар «Шаҳарни ташкил этувчи ва унга тенглаштирилган корхонанинг банкротлиги тўғрисида иш қўзғатиш ҳақидаги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

38-банди чиқариб ташлансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Фуқаролик ишлари бўйича суд ҳаракатларини ундириш амалиёти тўғрисида» 2009 йил 24 ноябрдаги 14-сонли қарори:

2-бандининг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикасининг «Давлат божи тўғрисида»ги Қонуни (бундан буён матнда «Давлат божи тўғрисида»ги Қонун деб юритилади) 3-моддасига мувофиқ давлат божи деганда, юридик аҳамиятга молик ҳаракатларни амалга оширганлик ва (ёки) бундай ҳаракатлар учун ваколатли муассасалар ва (ёки) мансабдор шахслар томонидан ҳужжатлар берганлик учун олинadиган мажбурий тўлов тушунилади»;

3-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Тушунтирилсинки, фуқаролик ишлари бўйича давлат божи қуйидагилардан ундирилади:

1) судларга берилadиган даъво аризаларидан, алоҳида тартибда юритилadиган ишларга доир аризалардан;

2) ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорлари юзасидан низолашиш ҳақидаги аризалардан;

3) ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорларини мажбурий ижро этиш учун ижро ва-

рақаси бериш тўғрисидаги аризалардан;

4) чет давлат судининг ҳамда чет давлат ҳакамлик судининг (арбитражининг) ҳал қилув қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш ҳақидаги аризалардан;

5) апелляция, кассация шикоятларидан ва назорат тартибидаги шикоятлардан:

а) фуқаролик ишлари бўйича судларнинг ҳал қилув қарорлари устидан;

б) иш юритишни тугатиш тўғрисидаги, даъвони кўрмасдан қолдириш тўғрисидаги, суд жарималарини солиш тўғрисидаги ажримлар устидан;

в) ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорлари юзасидан низолашиш ҳақидаги ажримлар устидан;

г) ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорларини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги ажримлар устидан;

д) чет давлат судининг ҳамда чет давлат ҳакамлик судининг (арбитражининг) ҳал қилув қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги ажримлар устидан;

б) хужжатларнинг дубликатларини ва кўчирма нусхаларини (шу жумладан, такрорий равишда бериладиган суд хужжатларининг кўчирма нусхаларини) берганлик учун»;

4-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Фуқаролик ишлари бўйича давлат божини тўлаш билан боғлиқ масалалар «Ўзбекистон Республикасининг «Давлат божи тўғрисида»ги Қонуни билан белгиланган давлат божи ставкаларининг миқдорлари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг (бундан буён матнда ФПК деб юритилади) 13-бобига мувофиқ тартибга солинади»;

5-бандининг иккинчи, учинчи ва тўртинчи хатбошилари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Давлат божини нақд пулсиз шаклда тўланганлиги факти қоғоздаги ёки электрон шаклдаги тўлов хужжати билан тасдиқланади.

Давлат божини нақд пул шаклида тўланганлиги факти:

банк томонидан тўловчига бериладиган белгиланган шаклдаги квитанция билан;

белгиланган шаклда тўловни амалга оширган мансабдор шахс ёки давлат органи ва ташкилотнинг кассаси томонидан тўловчига бериладиган квитанция билан тасдиқланади.

Даъво баҳоси чет эл валютасида белгиланган мулкӣ низо бўйича судга ариза берилганда, давлат божининг миқдори ариза тақдим этилган санада Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган курс бўйича миллий валютада белгиланади ва ундирилади»;

6-банди:

биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Шуни назарда тутиш лозимки, тўланиши лозим бўлган давлат божи миқдори арз қилинган талабнинг хусусиятига (мулкӣ ёки номулкӣ) боғлиқ бўлади ва «Давлат божи тўғрисида»ги Қонуннинг 6-моддасига кўра, ставкалар бўйича аниқланади;

қуйидаги мазмундаги **учинчи ва тўртинчи хатбошилар** билан тўлдирилсин:

«Мулкӣ хусусиятга эга бўлган, бир неча мустақил талаблардан иборат даъво аризаларидан, умумий даъво суммасидан келиб чиққан ҳолда давлат божи ундирилади.

Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, бир неча мустақил талабларни ўз ичига олган, номулкӣ хусусиятга эга бўлган даъво аризаларидан ҳар бир талаб учун алоҳида давлат божи ундирилади»;

учинчи ва тўртинчи хатбошилари бешинчи ва олтинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

7-бандининг биринчи хатбошисидаги «қонунга кўра, (СК 337-моддаси)» деган сўзлар «Давлат божи тўғрисида»ги Қонуннинг 19-моддасига кўра,» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

8-банди:

биринчи хатбошисидаги «тўланади» деган сўздан кейин «Давлат божи тўғрисида»ги Қонун 19-моддасининг ўнинчи қисми» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

иккинчи хатбошисидаги «ундирилади» деган сўздан кейин «Давлат божи тўғрисида»ги Қонун 19-моддасининг ўн биринчи қисми» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

9-бандининг иккинчи хатбошиси куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Шу билан бирга, агар ариза кўрмасдан қолдирилганлиги муносабати билан давлат божи қайтарилиши лозим бўлган, лекин қайтарилмаган бўлса, башарти давлат божи бюджетга ўтказилган кундан эътиборан Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 150-моддасида белгиланган умумий даъво муддати ўтмаган бўлса, давлат божи тўланганлиги тўғрисидаги дастлабки ҳужжат такроран берилган аризага илова қилиниши мумкин («Давлат божи тўғрисида»ги Қонун 19-моддасининг бешинчи қисми)»;

10-бандининг биринчи хатбошиси куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Судга давлат божи тўланмаган ариза келиб тушганда, судья аризачи қонун билан давлат божини тўлашдан озод қилинган-қилинмаганлигини текшириши шарт. Бунда «Давлат божи тўғрисида»ги Қонуннинг 8-моддаси фуқаролик ишлари бўйича судларда давлат божидан озод қилинган жисмоний ва юридик шахсларнинг қатъий рўйхати-га эга эканлигини назарда тутиш зарур»;

12-банди:

биринчи хатбошисидаги «ФПК 123-моддасининг иккинчи қисми ва СК 342-моддасида» деган сўзлар «Давлат божи тўғрисида»ги Қонун 18-моддасининг биринчи қисмида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошиси куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, давлат божи суммаларининг қайтарилиши «Давлат божи тўғрисида»ги Қонун

18-моддасининг иккинчи қисмида белгиланган тартибда суднинг ажримига асосан амалга оширилади»;

13-банди куйидаги мазмундаги **саккизинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, ФПК 137-моддасида назарда тутилган йўқотилган вақт учун ҳақ суд томонидан ишда мавжуд ҳужжатлар асосида:

даъвогардан – инсофсизлик билан асоссиз даъво тақдим этилганда ёхуд ишнинг тўғри ва ўз вақтида кўриб чиқилишига мунтазам қаршилик қилинган ҳолда;

жавобгардан – инсофсизлик билан даъвога қарши эътироз билдирилганда ёхуд ишнинг тўғри ва ўз вақтида кўриб чиқилишига мунтазам қаршилик қилинган ҳолда ундирилиши мумкин»;

18-банди:

тўртинчи хатбошиси «ундирилади» деган сўздан кейин «(«Давлат божи тўғрисида»ги Қонун 19-моддасининг ўн бешинчи қисми)» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

куйидаги мазмундаги **бешинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, «Давлат божи тўғрисида»ги Қонун 19-моддасининг еттинчи қисмига мувофиқ ишни суд муҳокамасига тайёрлаш муддати тугагунга қадар даъвогар даъводан воз кечганлиги муносабати билан алиментларни ундириш тўғрисидаги иш бўйича иш юритиш тугатилган ҳолда, жавобгардан давлат божи ундирилмайди»;

19-банди биринчи хатбошисининг биринчи жумласи «ҳисоблаб чиқилади» деган сўзлардан кейин «Давлат божи тўғрисида»ги Қонун 19-моддасининг тўққизинчи қисми» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

21-бандининг учинчи хатбошисидаги «12 ой», «12 ойдан», «ўртача ойлик иш ҳақи миқдоридан» деган сўзлар тегишинча «бир йил», «бир йилдан», «меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдоридан» деган сўзлар би-

лан алмаштирилсин;

22-бандининг биринчи хатбошиси «му-таносиб равишда ундирилади» деган сўзлардан кейин «(«Давлат божи тўғрисида»ги Қонун 19-моддасининг ўн еттинчи қисми)» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

23-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«ФПК 262-моддаси биринчи қисмининг 3-бандига кўра, суд харажатлари масаласига доир қўшимча ҳал қилув қарори фақат ҳал қилув қарорида суд харажатларини тақсимлаш назарда тутилмаган ҳолда чиқарилиши мумкин».

6. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Маъмурий ишлар бўйича суд харажатларини ундириш амалиёти ҳақида» 2019 йил 25 октябрдаги 20-сонли қарори:

2-бандининг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикасининг «Давлат божи тўғрисида»ги Қонуни (бундан буён матнда «Давлат божи тўғрисида»ги Қонун деб юритилади) 3-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ давлат божи деганда, юридик аҳамиятга молик ҳаракатларни амалга оширганлик ва (ёки) бундай ҳаракатлар учун ваколатли муассасалар ва (ёки) мансабдор шахслар томонидан ҳужжатлар берганлик учун ундириладиган мажбурий тўлов тушунилади»;

4-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Маъмурий ишлар бўйича давлат божини тўлаш билан боғлиқ муносабатлар Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг (бундан буён матнда МСИЮТК деб юритилади) 12-боби ҳамда «Давлат божи тўғрисида»ги Қонун билан тартибга солинади»;

7-бандининг биринчи хатбошисидаги «қонунга кўра, (СК 337-моддаси)» деган сўзлар «Давлат божи тўғрисида»ги Қонуннинг 19-моддасига кўра,» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

9-бандининг иккинчи хатбошисидаги «(СК 337-моддасининг бешинчи ва йигирма иккинчи қисмлари)» деган сўзлар «(«Давлат

божи тўғрисида»ги Қонун 19-моддасининг бешинчи ва йигирма иккинчи қисмлари)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

10-бандининг биринчи хатбошисидаги «(СК 330¹-моддаси)» деган сўзлар «(«Давлат божи тўғрисида»ги Қонуннинг 10-моддаси)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

12-банди:

биринчи хатбошисидаги «СК 342-моддасида» деган сўзлар «Давлат божи тўғрисида»ги Қонуннинг 10-моддасида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи ва учинчи хатбошилари чиқариб ташлансин;

21-бандидаги «СК 330¹-моддасининг» деган сўзлар «Давлат божи тўғрисида»ги Қонун 10-моддасининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

II. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг қуйидаги қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин:

1) «Иқтисодий судлар томонидан давлат божи тўғрисидаги қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида» 2008 йил 18 апрелдаги 180-сонли қарори;

2) «Иқтисодий судлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси умумий қисмини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида» 2010 йил 18 июндаги 210-сонли қарори;

3) «Молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ва қонунчиликда белгиланган муддатларда ўзларининг устав фондларини шакллантирмаган корхоналарни тугатишга оид ишлар бўйича суд амалиётининг айрим масалалари тўғрисида» 2010 йил 19 ноябрдаги 221-сонли қарори.

Ўзбекистон Республикаси
Олий суди раиси
К. КАМИЛОВ

Пленум котиби,
Олий суд судьяси
И. АЛИМОВ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИНИНГ ИҚТИСОДИЙ ИШЛАР БЎЙИЧА СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ ТОМОНИДАН 2019 ЙИЛНИНГ ТЎРТИНЧИ ЧОРАГИДА НАЗОРАТ ТАРТИБИДА КЎРИЛГАН ИШЛАР БЎЙИЧА СУД АМАЛИЁТИ ОБЗОРИ

I. Процессуал ҳуқуқ нормаларини қўллаш амалиёти

1. Ишда иштирок этишга жалб қилинмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига таъсир қилувчи қарор қабул қилинганлиги ушбу қарорнинг бекор қилинишига ва ишни янгидан кўриш учун юборишга асос бўлади.

Пешку туман прокуратураси давлат манфаатида Пешку туман ҳокимлиги (бундан буён матнда туман ҳокимлиги деб юритилади), Пешку туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (бундан буён матнда давлат кадастри деб юритилади), «Кўчмас мулк савдо хизмати» МЧЖ Бухоро вилояти филиали (бундан буён матнда савдо ташкилоти деб юритилади) ва «О» хусусий корхонасига (бундан буён матнда хусусий корхона деб юритилади) нисбатан судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, туман ҳокимининг 2010 йил 13 декабрдаги қарорини, савдо ташкилотининг 2015 йил 22 январдаги 008-сонли ғолиблик баённомасини, туман ҳокимининг 2015 йил 12 сентябрдаги 737-сонли қарорини, давлат кадастри томонидан 2015 йил 6 октябрда хусусий корхонага берилган ВU 1 ва ВU 2-сонли гувоҳномаларини ҳақиқий эмас деб топиш ҳамда «Маъмурий ва ишлаб чиқариш» бино ва иншоотларини тўлиқ давлат эгаллигига қайтаришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2018 йил 23 февралдаги ҳал қилув қарори билан даъво талаблари тўлиқ қаноатлантирилган. Туман ҳокимининг 2010 йил 13 декабрдаги қарори,

савдо ташкилотининг 2015 йил 22 январдаги 008-сонли ғолиблик баённомаси, туман ҳокимининг 2015 йил 12 сентябрдаги 737-сонли қарори, давлат кадастри томонидан 2015 йил 6 октябрда хусусий корхонага берилган ВU 1 ва ВU 2-сонли гувоҳномалар ҳақиқий эмас деб топилиб, Пешку тумани, Янгибозор ҚФЙ, Иттифоқ кўчасида жойлашган умумий ер майдони 28020,0 кв.м. бўлган бино ва иншоотлар тўлиқ давлат эгаллигига қайтарилган.

Кассация инстанцияси судининг 2018 йил 21 июндаги қарори билан ҳал қилув қарорининг хусусий корхонадан 6 889 600 сўм давлат божи ундириш қисми хусусий корхонадан 11 387 000 сўм давлат божи ва 5 000 сўм почта харажати ундирилсин деб ўзгартирилган. Ҳал қилув қарорининг қолган қисми ўзгаришсиз қолдирилган.

Назорат шикоятда бино ва унга туташган ер ажратилган пайтда ҳеч қандай ишлаб турган корхона бўлмаганлиги, вайрон қилинган ва ўз ҳолига ташлаб қўйилган эски қурилиш ташкилотидан қолган ахлатхона берилганлиги, бажарилган ишлар тақдим этилган фотосуратларда акс эттирилганлиги, корхонанинг ишлаб чиқариш фаолият тури ўзгартирилмаганлиги, ажратилган жойдан 12 ой ичида тўлиқ фойдаланиб келинганлиги, 10 млрд. сўмдан ортиқ пул маблағи сарфланганлиги, ишчиларнинг ишдан бўшатилиши корхонани банкротлик ҳолатига олиб келиши баён қилинган.

Иш ҳужжатларига кўра, халқ депутатлари Пешку туман Кенгаши ижроия кўмитаси-

нинг 1978 йил 11 сентябрдаги 7п214-сонли қарори билан «Д»га ишлаб чиқариш базаси куриши учун ер майдони ажратилган ва халқ депутатлари Бухоро вилоят Кенгаши ижроия қўмитасининг 1978 йил 26 сентябрдаги 18п-588-сонли қарори билан ушбу қарор тасдиқланган.

Пешку туман ҳокимининг 2010 йил 13 декабрдаги қарори билан «Д» ОТАЖга қарашли бино-иншоотларга ва улар жойлашган ер майдонига эгалик қилиш ва доимий фойдаланиш ҳуқуқи берилган ҳамда давлат кадастри томонидан 2010 йил 5 августда давлат рўйхатидан ўтказилган.

Бухоро вилоят хўжалик судида кўзғатилган 20-1402/2478-сонли иш бўйича 2014 йил 28 апрелда чиқарилган ижро варақаси ижросини таъминлаш мақсадида, савдо ташкилотининг 2015 йил 22 январдаги 008-сонли ғолиблик баённомасига кўра «Д» ОТАЖга (МЧЖ) қарашли Пешку тумани, Янгибозор ҚФЙ, Дўстлик кўчасида жойлашган «Маъмурий ва ишлаб чиқариш» бино ва иншоотлари «О» МЧЖга сотилган.

Пешку туман ҳокимининг 2015 йил 12 сентябрдаги 737-сонли қарори билан Пешку тумани, Янгибозор ҚФЙ, Дўстлик кўчасида жойлашган «Маъмурий ва ишлаб чиқариш» бино ва иншоотларига нисбатан хусусий корхонага эгалик ва доимий фойдаланиш ҳуқуқи берилган ҳамда бу ҳақда 2015 йил 6 октябрда ВУ 1 ва ВУ 2-сонли гувоҳномалар берилган.

Биринчи инстанция суди томонидан ишга «С» АЖ жавобгар сифатида жалб этилмаган, ваҳоланки, даъво аризасида давлат эгалигига қайтарилиши сўралган мулк оммавий савдода хусусий корхонага сотилишидан олдин «С» АЖга тегишли бўлган ва ушбу мулкни «С» АЖнинг тасарруфидан давлат эгалигига олиб қўйиш тўғрисида суд қарори ёки бошқа бирор ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинмаган.

Шунингдек, давлат эгалигига қайтарилган мулк Бухоро вилоят хўжалик судининг 2014 йил 28 апрелдаги ижро ҳужжатига асосан Пешку туман суд ижрочилари томонидан хатланган ва савдога қўйилган ҳамда низоли мулк хусусий корхона томонидан сотиб

олинган бўлса-да, «С» АЖнинг қарзи эвазига ушбу мулкни хатлаган ва савдога чиқарган суд ижрочилари бўлимининг ҳуқуқий вориси ҳисобланган Мажбурий ижро бюроси ишга жалб этилмаган.

Биринчи инстанция суди томонидан процессуал ҳуқуқ нормалари бузилган, яъни ишда иштирок этишга жалб қилинмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисида суд томонидан ҳал қилув қарори қабул қилинган. Ушбу процессуал ҳуқуқ нормасининг бузилишига кассация инстанцияси суди томонидан ҳуқуқий баҳо берилмаган.

Бундан ташқари, судлар томонидан даъво аризаси талабига аниқлик киритилмаган, яъни қайси давлат органига ушбу мулк қайтарилиши лозимлиги ва ушбу давлат органини ишга жалб қилиш масаласи ҳал этилмаган.

ИПК 322-моддасининг биринчи қисмига кўра, суд ҳужжатининг ноқонунийлиги ёки асосизлиги ҳал қилув қарорини, қарорни назорат тартибида ўзгартириш ёки бекор қилиш учун асос бўлади.

Ушбу Кодекс 321-моддаси биринчи қисмининг 2-бандига кўра, суд ишни назорат тартибида кўриб чиққанда ушбу Кодекс 302-моддаси тўртинчи қисмининг 4 ва 7-бандларида назарда тутилган асослар мавжуд бўлганда ҳал қилув қарорини, қарорни тўлиқ ёки қисман бекор қилишга ва ишни янгидан кўриш учун юборишга ҳақли.

ИПК 302-моддаси биринчи қисмининг 4-бандига кўра, моддий ва (ёки) процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилганлиги ёхуд нотўғри қўлланилганлиги биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини ўзгартириш ёки бекор қилиш учун асос бўлади.

Қайд этилганларга кўра, судлов ҳайъати хусусий корхона вакилларининг тушунтиришларини тинглаб, прокурорнинг фикрини эшитиб, назорат шикоятда келтирилган важларни муҳокама қилиб, юқоридаги асосларга кўра суд қарорларини бекор қилиш ва ишни янгидан кўриб чиқиш учун биринчи инстанция судига юбориш тўғрисида қарор қабул қилган.

4-2003-1801/342-сонли иш

* * *

2. Иш учун аҳамиятли ҳолатларнинг тўлиқ аниқланмаганлиги, суд аниқланган деб ҳисоблаган, иш учун аҳамиятли бўлган ҳолатларнинг исботланмаганлиги биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини ўзгартириш ёки бекор қилиш учун асос бўлади.

Агар ижро этилмаган суд ҳужжати бекор қилиниб ёки ўзгартирилиб, даъвони тўлиқ ёки қисман рад этиш тўғрисида янги суд ҳужжати қабул қилинса ёхуд иш юритиш тугатилса ёки даъво кўрмасдан қолдирилса, суд бекор қилинган ёки тегишли қисми ўзгартирилган суд ҳужжати бўйича ундиришни тўлиқ ёхуд қисман бекор қилиш ҳақида суд ҳужжатини қабул қилиши белгиланган.

«Ж» МЧЖ (бундан буён матнда даъвогар деб юритилади) Нукус туманлараро иқтисодий судига даъво аризаси билан жавобгар «Ў» АЖ (бундан буён матнда жавобгар деб юритилади) Қорақалпоғистон Республикаси филиалига нисбатан мурожаат қилиб, Г.Қаллибековага суднинг ҳал қилув қарори асосида тўланган 256 837 109 сўм, А.Алламбергеновага суднинг ҳал қилув қарори асосида тўланган 192 918 640 сўм, А.Алламбергеновнинг вояга етмаган фарзандлари Сарсенбаева Мехрибон Балтабаевна (20.05.2002 йил), Сарсенбаева Гулмира Балтабаевна (13.09.2003 йил), Сарсенбаев Ойбек Балтабаевич (04.10.2009 йил)нинг таъминоти учун ҳар ойда 1 367 821,52 сўм миқдоридан келиб чиқиб, уларнинг вояга етган вақтига қадар ундиришни, Г.Қаллибекованинг вояга етмаган қизи А.Жумабергановага (09.01.2013 йил) ҳар ойда 1 504 384,64 сўм миқдоридан келиб чиқиб, нафақани вояга етгунига қадар ундиришни, Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига тўланиши лозим бўлган жами 35 725 368,38 сўмни, вояга етмаган фарзандлари учун ҳар ойда тўланадиган Г.Қаллибековага 442 320 сўм ва А.Алламбергеновага тайинланган 1 278 885,93 сўм миқдоридан келиб чиқиб ундиришни, «Советник» адвокатлик фирмасига тўланган 4 000 000 сўм хизмат ҳақини, фуқа-

ролик ишлари бўйича Нукус туманлараро судининг 2018 йил 27 апрелдаги ҳал қилув қарорига асосан давлат фойдасига ундирилган жами 9 081 234 сўм давлат божини ундириш тўғрисидаги даъво аризаси талаблари туманлараро иқтисодий судининг ҳал қилув қарори билан қисман қаноатлантирилган.

Кассация инстанцияси судининг 2019 йил 25 февралдаги қарори билан ҳал қилув қарори бекор қилиниб, даъвогарнинг даъво талабларини қаноатлантиришни рад этиш ҳақида янги қарор қабул қилинган.

Назорат шикоятда, судлар томонидан моддий ва процессуал ҳуқуқ нормалари нотўғри қўлланилганлиги, иш учун аҳамиятли ҳолатларга аниқлик киритилмаганлиги, кассация инстанцияси суди томонидан автоавария ишлаб чиқариш билан боғлиқ деб топилганлиги тўғрисида Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича судининг ажрими инобатга олинмаганлиги кўрсатилиб, мазкур иш бўйича қабул қилинган кассация инстанцияси суди қарорини бекор қилиб, ҳал қилув қарорини кучда қолдириш сўралган.

ИПК 73-моддасининг биринчи ва учинчи қисмларига кўра, ишнинг иқтисодий суд томонидан ҳаммага маълум деб топилган ҳолатлари исботлашга муҳтож эмас.

Фуқаролик ишлари бўйича суднинг ёки маъмурий суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори бошқа ишни кўраётган иқтисодий суд учун фуқаролик ишлари бўйича суднинг ёки маъмурий суднинг ҳал қилув қарорида аниқланган ва ишда иштирок этувчи шахсларга тааллуқли бўлган ҳолатларга доир масалалар бўйича мажбурийдир.

Фуқаролик ишлари бўйича Нукус туманлараро судининг 2018 йил 27 апрелдаги ҳал қилув қарори билан даъвогардан Г.Қаллибековага 256 837 109 сўм, А.Алламбергеновага 192 918 640 сўм ундирилган.

Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича судининг 2017 йил 19 сентябрдаги ажрими билан даъвогар ходимлари А.Давлетов ва Б.Жумабаев ишлаб чиқариш билан боғлиқ ҳолда вафот этган деб

топилган. Шу боис, даъвогарнинг жавобгардан суднинг ҳал қилув қарори асосида тўланган Г.Қаллибековага 256 837 109 сўм, А.Алламбергеновага тўланган 192 918 640 сўмни ундириш ҳақидаги талаби асосли бўлиб, уни қаноатлантириш лозим бўлади.

ИПКнинг 66-моддасига кўра, иш бўйича далиллар ушбу Кодексда ва бошқа қонунларда назарда тутилган тартибда олинган фактлар ҳақидаги маълумотлар бўлиб, улар асосида суд ишда иштирок этувчи шахсларнинг талаблари ва эътирозларини асословчи ҳолатлар, шунингдек низони тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятга эга бўлган бошқа ҳолатлар мавжудлигини ёки мавжуд эмаслигини аниқлайди. Бундай маълумотлар ёзма ва ашёвий далиллар, экспертларнинг хулосалари, мутахассисларнинг маслаҳатлари (тушунтиришлари), гувоҳларнинг кўрсатувлари, ишда иштирок этувчи шахсларнинг тушунтиришлари билан аниқланади.

Қонунни бузган ҳолда олинган далиллардан фойдаланишга йўл қўйилмайди.

Шунингдек, даъво талабининг Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига тўланиши лозим бўлган жами 35 725 368,38 сўмни ундириш тўғрисидаги қисми ишдаги ҳужжатлар билан тўлиқ ўз исботини топган. Яъни, 2018 йил 3 августдаги 650-сонли тўлов топшириқнома-си билан даъвогар томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилик бошқармасига 10 896 891,20 сўм, 651-сонли тўлов топшириқнома-си билан 24 828 477,18 сўм, жами 35 725 368,38 сўм тўлаб берилган. Шу боис, даъвогарнинг мазкур талаби ҳам асосли бўлиб, уни қаноатлантириш лозим бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 24 июндаги 177-сонли қарори билан тасдиқланган «Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш қоидаларининг 48-бандида мажбурий суғурта қилиш шартномасининг иш берувчининг ходим ўз меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда меҳнатда майиб бўлиши, касб

касаллигига чалиниши ёки соғлигининг бошқача тарзда шикастланиши муносабати билан унинг соғлиғи ёмонлашганлиги ёхуд вафот этганлиги туфайли келиб чиққан кўшимча харажатларининг компенсация қилинишига доир қисми бўйича суғурта товони иш берувчига, у шундай харажатларни амалга оширганлигини тасдиқлайдиган ҳужжатлар асосида тўланади.

Даъвогарнинг А.Алламбергенованинг вояга етмаган фарзандлари Сарсенбаева Мехрибон Балтабаевна (20.05.2002 йил), Сарсенбаева Гулмира Балтабаевна (13.09.2003 йил), Сарсенбаев Ойбек Балтабаевичнинг (04.10.2009 йил) таъминоти учун ҳар ойда 1 367 821,52 сўм миқдоридан келиб чиқиб, уларнинг вояга етган вақтига қадар ундириш, Г.Қаллибекованинг вояга етмаган қизи А.Жумабергановага (09.01.2013 йил) ҳар ойда 1 504 384,64 сўм миқдоридан келиб чиқиб нафақани вояга етгунига қадар ундириш, вояга етмаган фарзандлари учун Г.Қаллибековага ҳар ойда тўланадиган 442 320 сўм ва А.Алламбергеновага тайинланган 1 278 885,93 сўм миқдоридан келиб чиқиб ундириш, «Советник» адвокатлик фирмасига тўланган 4 000 000 сўм хизмат ҳақини, фуқаролик ишлари бўйича Нукус туманлараро судининг 2018 йил 27 апрелдаги ҳал қилув қарорига асосан давлат фойдасига ундирилган жами 9 081 234 сўм давлат божини ундириш тўғрисидаги талаблари асослаб берилмаганлиги, яъни даъвогар томонидан судга даъво аризаси тақдим қилгунга қадар ушбу суммаларни юқорида кўрсатилган шахсларга тўлаб берилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар судга тақдим қилинмаганлиги, шунингдек адвокат хизмати ва фуқаролик судига тўланган давлат божини ундириш талаблари асосиз бўлганлиги боис, судлов ҳайъати даъвогарнинг мазкур талабларини қаноатлантиришни рад этишни лозим топади.

Биринчи инстанция суди даъвогарнинг А.Алламбергенованинг вояга етмаган фарзандлари Сарсенбаева Мехрибон Балтабаевна (20.05.2002 йил), Сарсенбаева Гулмира Балтабаевна (13.09.2003 йил), Сар-

сенбаев Ойбек Балтабаевич (04.10.2009 йил) нинг таъминоти учун ҳар ойда 1 367 821,52 сўм миқдоридан келиб чиқиб, уларнинг вояга етган вақтига қадар ундириш, Г.Қаллибекованинг вояга етмаган қизи А.Жумабергановага (09.01.2013 йил) ҳар ойда 1 504 384,64 сўм миқдоридан келиб чиқиб нафақани вояга етгунига қадар ундириш, вояга етмаган фарзандлари учун ҳар ойда тўланадиган Г.Қаллибековага 442 320 сўм ва А.Алламбергеновага тайинланган 1 278 885,93 сўм миқдоридан келиб чиқиб ундириш ҳақидаги талабларини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлмаса-да, ушбу талабларини қаноатлантириш тўғрисида барвақт хулосага келган.

Кассация инстанцияси суди эса ишдаги далилларга тегишли ҳукукий баҳо бермасдан, нима сабабдан ушбу далиллар мақбул далил сифатида инобатга олинмаслигини қарорда кўрсатмасдан, даъвогарнинг даъво талабларини тўлиқ қаноатлантиришни рад этиш ҳақида нотўғри хулосага келган.

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг «Суднинг ҳал қилув қарори ҳақида» 2007 йил 15 июндаги 161-сонли қарорининг 1-бандида суд томонидан қабул қилинган қарор моддий ва процессуал ҳуқуқ нормалари билан тўлиқ мос келиши, иш ҳужжатлари ва суд аниқлаган ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги, қайд этилган талабларга риоя этмаслик ИПКнинг 279, 302 ва 322-моддаларига мувофиқ қарорнинг бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши учун асос бўлиши мумкинлиги, суд томонидан ИПКнинг 177-моддасида назарда тутилган барча масалаларни ҳал этмайдиган, юзаки, асослантирилмаган қарорларнинг қабул қилиниши мумкин эмаслиги ҳақида тушунтириш берилган.

ИПК 322-моддасининг биринчи қисмига биноан суд ҳужжатининг ноқонунийлиги ёки асосsizлиги ҳал қилув қарорини, қарорни назорат тартибида ўзгартириш ёки бекор қилиш учун асос бўлади.

Бундай ҳолатда шикоят қисман қаноатлантирилиши, иш юзасидан қабул қилинган суд қарорлари бекор қилиниши, даъвони қисман

қаноатлантириш тўғрисида янги қарор қабул қилиниши, яъни жавобгардан даъвогар фойдасига жами 485 481 116 сўм ундириш, даъво талабларининг қолган қисмини қаноатлантиришни рад этиш, суд харажатларини даъво талабининг қаноатлантирилган қисмига муносориб равишда тақсимлаш, экспертиза харажатларини даъвогар зиммасида қолдириш, суд мажлисини видеоконференцалоқа режимида олиб бориш билан боғлиқ харажатларини ИПКнинг 118-моддаси талабларидан келиб чиқиб, жавобгар зиммасига юклаш лозим. Бинобарин, тарафлар томонидан олдидан тўланган давлат божларини инобатга олиб, ишни биринчи, кассация ва назорат инстанция судида кўриш учун жавобгардан даъвогар фойдасига 953 966,68 сўм давлат божи ва 17 840 сўм почта харажатларини ҳамда республика бюджетига 1 303 799,86 сўм давлат божи, ишни видеоконференцалоқа режимида кўриш билан боғлиқ 111 500 сўм харажатлари ва 17 840 сўм почта харажатлари ундирилиши лозим.

Баён қилинганларга асосан судлов ҳайъати ишда иштирок этувчи шахслар вакилларининг тушунтиришларини ҳамда прокурорнинг суд қарорларини фуқаролик ишлари бўйича суди томонидан қабул қилинган қарорларга мувофиқлаштириш тўғрисидаги фикрини тинглаб, шикоятда келтирилган вазларни иш ҳужжатлари билан бирга муҳокама қилиб, юқоридаги асосларга кўра суд қарорларини бекор қилиб, даъвони қисман қаноатлантириш тўғрисида янги қарор қабул қилиниши, шикоятни эса қисман қаноатлантириш тўғрисида қарор қабул қилган.

4-2301-1801/2927-сонли иш

* * *

3. Кредит шартномаси бўйича бир тараф - банк ёки бошқа кредит ташкилоти (кредитор) иккинчи тарафга (қарз олувчига) шартномада назарда тутилган миқдорда ва шартлар асосида пул маблағлари (кредит) бериш, қарз олувчи эса олинган пул суммасини қайтариш ва унинг учун фоизлар тўлаш мажбуриятини олади.

ИПК 118-моддасининг иккинчи ва тўққизинчи қисмларига мувофиқ ҳал қилув қарори ўз фойдасига чиқарилган тарафга иш бўйича қилинган барча суд харажатларининг ўрни, гарчи бошқа тараф давлат божини тўлашдан озод этилган бўлса ҳам ушбу бошқа тараф ҳисобидан қопланади. Ишда иштирок этувчи шахсларнинг апелляция, кассация, назорат шикоятни бериш билан боғлиқ ҳолда қилган суд харажатлари ушбу моддада баён этилган қоидаларга мувофиқ тақсимланади.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Бухоро вилояти ҳудудий бошқармаси (бундан буён матнда палата деб юритилади) АТ «Халқ банки» Бухоро вилоят Амалиёт бўлими (бундан буён матнда банк бўлими деб юритилади) манфаатида судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, «А» хусусий корхонадан (бундан буён матнда хусусий корхона деб юритилади) банк бўлими фойдасига муддатидан олдин 57 787 810 сўм кредитдан асосий қарз, 18 941 190 сўм кредит фоизи, жами 75 729 000 сўм ундиришни, ундирувни «SH» фермер хўжалигига (бундан буён матнда фермер хўжалиги деб юритилади) тегишли бўлган Бухоро вилояти, Бухоро тумани, Сўфкоргар ҚФЙ, Урганжихона кишлоғида жойлашган «болалар боғчаси биноси»га (бундан буён матнда гаров мулки деб юритилади) қаратишни сўраган.

Суднинг 2016 йил 18 октябрдаги ажрими билан ишга АТ «Халқ банки» (бундан буён матнда банк деб юритилади) даъвогар сифатида жалб қилинган.

Биринчи инстанция судининг 2016 йил 17 ноябрдаги ҳал қилув қарори билан даъво талаблари қисман қаноатлантирилган. Хусусий корхонадан банк фойдасига 18 941 190 сўм кредит фоизи ундирилган. Ундирувни гаров мулкига қаратиш қисмини қаноатлантириш рад этилган. Даъво талабининг 56 787 810 сўм асосий қарз ундириш ва банк бўлимига нисбатан қисми бўйича иш юритиш тугатилган.

Апелляция инстанцияси судининг 2017 йил 1 февралдаги қарори билан ҳал қилув қарори хулоса қисмининг иккинчи хатбошидаги – хусусий корхонадан банк фойдасига

18 941 190 сўм кредит фоизи ундириш, ундирувни гаров мулкига қаратиш қисмини қаноатлантиришни рад этиш қисми – даъво талабининг ундирувни гаров мулкига қаратиш ҳамда 18 941 190 сўм кредит фоизи ундириш қисмини қаноатлантириш рад этилсин деб ўзгартирилган. Ҳал қилув қарори хулоса қисмининг тўртинчи хатбошиси (хусусий корхонадан бюджетга давлат божи ундириш қисми) бекор қилинган. Ҳал қилув қарорининг қолган қисми ўзгаришсиз қолдирилган.

Кассация инстанцияси судининг 2017 йил 17 майдаги қарори билан апелляция инстанцияси судининг қарори бекор қилинган. Ҳал қилув қарорининг – ундирувни гаров мулкига қаратиш қисмини қаноатлантиришни рад этиш қисми бекор қилиниб, ундирувни гаров мулкига қаратиш ҳақида янги қарор қабул қилинган. Ҳал қилув қарорининг қолган қисми ўзгаришсиз қолдирилган.

Назорат шикоятда кассация инстанцияси суди томонидан иш учун аҳамиятли ҳолатлар ўрганилмаганлиги, ишдаги мавжуд ҳужжатларга ҳуқуқий баҳо берилмаганлиги, хусусий корхона томонидан 2016 йилда кредит қарздорлик тўлиқ қопланганлиги, шу сабабли суд ижрочилари томонидан ижро иши бўйича иш юритиш тамомланганлиги, бироқ кредит қарздорлик тўлиқ қоплангандан кейин ҳам асоссиз равишда 18 941 190 сўм кредит фоизи ҳисобланганлиги ҳақида важлар келтирилиб, кассация инстанцияси судининг қарорини бекор қилиб, апелляция инстанцияси судининг қарорини ўз кучида қолдириш сўралган.

Аниқланишича, банк ва хусусий корхона ўртасида 2013 йил 10 апрелда 22-сонли кредит шартномаси тузилган бўлиб, унга кўра, банк хусусий корхонага «DX225LCASLR» русумли занжирли экскаватор сотиб олиши учун, йиллик 18 фоиз тўлаш шarti билан 3 (уч) йил муддатга 420 000 000 сўм кредит ажратиш, хусусий корхона эса олинган кредитдан фойдаланиб, кредит ва унга ҳисобланган фоизларни шартномага илова қилинган тўлов графиги асосида қайтариш мажбуриятини олган.

Кредит қайтарилишининг таъминоти сифатида банк, хусусий корхона ва фермер хўжалиги ўртасида 2013 йил 11 апрелда тузилган ипотека шартномасига асосан гаров мулки биргаликда тузилган 2013 йил 15 мартдаги баҳолаш далолатномасига асосан 200 000 000 сўмга ўзаро баҳоланиб, гаровга қўйилган.

Кредит шартномасида хусусий корхона олинган кредит суммаси ва унга ҳисобланган фоизларни ойма-ой тўлов жадвали асосида тўлаб бориш мажбуриятини олган бўлса-да, бироқ тўловни ўз вақтида амалга оширмаган.

Палатанинг банк бўлими манфаатида берган даъво аризаси бўйича Бухоро вилоят хўжалик судида қўзғатилган 20-1403/8628-сонли иш юзасидан 2014 йил 19 декабрда қабул қилинган ҳал қилув қарори билан хусусий корхонадан банк фойдасига 401 500 000 сўм кредит қарз, 12 078 000 сўм кредит фоизи, 1 467 359 сўм пеня, 2500 сўм почта харажати, жами 415 047 859 сўм ундирилган. Ундирув гаров мулки ва кредит эвазига сотиб олинган «DX225LCASLR» русумли занжирли экскаваторга қаратилиб, гаров мулкининг ким ошди савдосидаги бошланғич сотув баҳоси 200 000 000 сўм, кредит эвазига сотиб олинган «DX225LCASLR» русумли занжирли экскаваторнинг ким ошди савдосидаги бошланғич сотув баҳоси эса 375 000 000 сўм этиб белгиланган.

Даъво аризасида хусусий корхонадан қайтарилмаган 56 787 810 сўм кредит қарзи ва унга мутаносиб ҳисобланган 18 941 190 сўм фоизни (2016 йил 5 октябрь ҳолатига) ундириш, шунингдек ундирувни фермер хўжалигига тегишли бўлган гаров мулкига қаратиш сўралган.

ФК 47-моддасининг учинчи қисмига мувофиқ ваколатхона ва филиаллар юридик шахс ҳисобланмайди. Улар ўзларини ташкил этган юридик шахс томонидан мол-мулк билан таъминланадилар ҳамда у тасдиқлаган низомлар асосида иш олиб борадилар. Ваколатхона ва филиалларнинг раҳбарлари юридик шахс томонидан тайинланади ҳамда унинг ишончномаси асосида иш олиб боради.

Иш кўрилган вақтда амалда бўлган Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодекси 86-моддасининг 1 ва 2-бандларига кўра, хўжалик суди низо хўжалик судида кўриш учун тегишли бўлмаса, умумий суд, хўжалик судининг айнаи бир шахслар ўртасидаги, айнаи бир предмет тўғрисидаги ва айнаи бир асослар бўйича низо юзасидан қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори бўлса, иш юритишни тугатади.

Биринчи инстанция суди юқорида қайд этилган 20-1403/8628-сонли иш юзасидан 2014 йил 19 декабрда қабул қилинган ҳал қилув қарори билан хусусий корхонадан банк фойдасига низоли иш бўйича сўралган 56 787 810 сўм кредитдан асосий қарз ундирилиб, ундирув фермер хўжалигига тегишли бўлган гаров мулкига қаратилганлигини, шунингдек банк бўлими юридик шахс мақомига эга эмаслигини инобатга олиб, даъво талабининг 56 787 810 сўм кредитдан асосий қарз ундириш ва банк бўлимига нисбатан қисмлари бўйича иш юритишни тугатиш, ундирувни фермер хўжалигига тегишли бўлган гаров мулкига қаратиш қисмини қаноатлантиришни рад этиш ҳақида тўғри хулосага келган бўлса-да, бироқ хусусий корхонадан банк фойдасига 18 941 190 сўм кредит фоизи ундириш ҳақида нотўғри хулосага келган.

Чунки, даъво аризасида хусусий корхонадан 18 941 190 сўм кредит фоизи ундиришни талаб қилишда ФК 734 ва 736-моддасининг биринчи қисмига асосланган.

ФК 327-моддасининг биринчи ва иккинчи қисmlарига мувофиқ бошқа шахсларнинг пул маблағларини ғайриқонуний ушлаб қолиш, уларни қайтариб беришдан бош тортиш, уларни тўлашни бошқача тарзда кечиктириш ёхуд бошқа шахс ҳисобидан асоссиз олиш ёки жамғариш натижасида улардан фойдаланганлик учун ушбу маблағлар суммасига фоиз тўланиши керак. Фоизлар миқдори кредитор яшайдиган жойда, кредитор юридик шахс бўлганида эса, унинг жойлашган ерида пул мажбурияти ёки унинг тегишли қисми бажарилган кунда мавжуд бўлган банк фойзининг ҳисоб ставкаси билан белгиланади.

Қарз суд тартибида ундириб олинганида суд кредиторнинг талабини даъво қўзғатилган кундаги ёки қарор чиқарилган кундаги банк фоизининг ҳисоб ставкасига қараб қондириши мумкин. Ушбу қоидалар қонунда ёки шартномада бошқа фоиз миқдори белгиланган бўлмаса, қўлланилади.

ФК 734-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ, агар қонунда ёки қарз шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, қарз берувчи (юримдик шахс ёки фуқаро) қарз олувчидан қарз суммасига шартномада белгиланган миқдорда ва тартибда фоизлар олиш ҳуқуқига эга бўлади.

ФК 736-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ, агар қонун ҳужжатларида ёки қарз шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, қарз олувчи қарз суммасини вақтида қайтармаган ҳолларда ушбу Кодекснинг 734-моддаси биринчи қисмида назарда тутилган фоизлар тўланган бўлишидан қатъи назар, қарз қайтариб берилиши керак бўлган кундан бошлаб то у қарз берувчига қайтариб берилган кунгача бу сумма юзасидан ушбу Кодекс 327-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида назарда тутилган миқдорда фоизлар тўланиши керак.

ФК 744-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ кредит шартномаси бўйича бир тараф – банк ёки бошқа кредит ташкилоти (кредитор) иккинчи тарафга (қарз олувчига) шартномада назарда тутилган миқдорда ва шартлар асосида пул маблағлари (кредит) бериш, қарз олувчи эса олинган пул суммасини қайтариш ва унинг учун фоизлар тўлаш мажбуриятини олади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ва Олий ҳўжалик суди Пленумининг «Кредит шартномаларидан келиб чиқадиган мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш тўғрисидаги фуқаролик қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида» 2006 йил 20 декабрдаги 13/150-сонли қарори 10-бандининг иккинчи хатбошисида кредит шартномасининг муддатидан олдин бекор қилиниши кредит ташкилотини кредит шартномасини бекор қилиш пайтидан бошлаб

қайтариш кунига қадар пул маблағларидан фойдаланилган бутун давр учун ФКнинг 734-моддасида назарда тутилган фоизларни олиш ҳуқуқидан маҳрум қилмаслиги, тўртинчи хатбошисида ФКнинг 736-моддаси биринчи қисмида назарда тутилган фоизлар фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик чораси ҳисобланиши, кўрсатилган, қарз суммасини қайтаришни кечиктириш муносабати билан ундириладиган фоизлар, агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, пул маблағларидан фойдаланганлик учун қайтариш кунига ҳисобланган фоизларсиз ушбу суммага ҳисобланиши ҳақида тушунтириш берилган.

Бироқ, хусусий корхонага нисбатан ҳисобланган 18 941 190 сўм кредит фоизнинг тегишли ҳисоб-китоби мавжуд эмас, агар фоизни ҳисоблашда ФКнинг 734-моддасига асосланган бўлса, шартномада белгиланган қайси миқдордан келиб чиққанлиги, ФК 736-моддасининг биринчи қисмига асосланган бўлса, у ҳолда ФК 327-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида назарда тутилган қайси миқдордан келиб чиққанлиги, пул маблағларини ғайриқонуний ушлаб қолганлиги, уларни қайтариб беришдан бош тортганлиги ёки фойдаланганлиги исботланмаган. Қолаверса, хусусий корхона томонидан қайтарилмаган 56 787 810 сўм кредитдан асосий қарз 20-1403/8628-сонли иш бўйича чиқарилган ижро ҳужжатида асосан ундириб олинishi мумкин. Шунингдек, банкнинг Бухоро туман суд ижрочилари бўлимига йўллаган 2016 йил 24 мартдаги 126/03-03-сонли маълумотида 2016 йил 22 мартда қарздорлик тўлиқ қопланганлиги инобатга олиниб, қолдиқ сумма, яъни 27 714 749,01 сўм қайтарилганлиги қайд этилган.

Апелляция инстанцияси суди эса қайд этилганларни инобатга олмасдан, ҳал қилув қарорини ўзгартириш, кассация инстанцияси суди апелляция инстанцияси судининг қарорини бекор қилиб, ҳал қилув қарорининг – ундирувни гаров мулкига қаратиш қисмини қаноатлантиришни рад этиш қисмини бекор қилиб, ундирувни гаров мулкига қаратиш

ҳақида янги қарор қабул қилиб, нотўғри хулосага келган.

ИПК 321-моддасининг 3-бандига кўра, суд ишни назорат тартибда кўриб чиққанда ҳал қилув қарорини, қарорни ўзгартиришга ёхуд бекор қилишга ҳамда ишни янгидан кўриш учун юбормасдан янги қарор қабул қилишга ҳақли.

ИПК 322-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ суд ҳужжатининг ноқонунийлиги ёки асоссизлиги ҳал қилув қарорини, қарорни назорат тартибда ўзгартириш ёки бекор қилиш учун асос бўлади.

ИПК 118-моддасининг иккинчи ва тўққизинчи қисмларига мувофиқ ҳал қилув қарори ўз фойдасига чиқарилган тарафга иш бўйича қилинган барча суд харажатларининг ўрни, гарчи бошқа тараф давлат божини тўлашдан озод этилган бўлса ҳам ушбу бошқа тараф ҳисобидан қопланади. Ишда иштирок этувчи шахсларнинг апелляция, кассация, назорат шикоятни бериш билан боғлиқ ҳолда қилган суд харажатлари ушбу моддада баён этилган қоидаларга мувофиқ тақсимланади.

Бундай ҳолатда судлов ҳайъати, назорат шикоятини қисман қаноатлантиришни, апелляция ва кассация инстанцияси судларининг қарорларини тўлиқ, ҳал қилув қарорининг – хусусий корхонадан банк фойдасига 18 941 190 сўм кредит фоизи ва 5000 сўм почта харажати ҳамда республика бюджетига 189 412 сўм давлат божи ундириш қисмларини бекор қилишни, ҳал қилув қарорининг бекор қилинган қисми бўйича янги қарор қабул қилишни, хусусий корхонадан банк фойдасига 18 941 190 сўм кредит фоизи ундириш ҳақидаги даъво талабини қаноатлантириш рад этишни, ҳал қилув қарорининг қолган қисмини ўзгаришсиз қолдиришни, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг иш кўрилган вақтда амалда бўлган 330-моддасининг 6-бандига кўра, Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ва унинг ҳудудий бошқармалари – палата аъзоларининг манфаатларини кўзлаб қилинган даъволар юзасидан, шунингдек давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракат-

лари (ҳаракатсизлиги) устидан палата аъзоларининг манфаатларини кўзлаб қилинган шикоятлар бўйича давлат божидан озод этилганлиги сабабли ишни биринчи, апелляция ва кассация инстанцияси судларида кўриш учун ундирилиши лозим бўлган давлат божини ундирувсиз қолдиришни, почта харажатлари олдиндан тўланганлигини инобатга олишни, банкдан фермер хўжалиги фойдасига ишни назорат инстанцияси судида кўриш учун олдиндан тўланган 94 705,95 сўм давлат божи ва 17 000 сўм почта харажати ундиришни, шунингдек суд мажлисини кассация ва назорат инстанцияси судларида видеоконференц-лока режимида ўтказиш билан боғлиқ 85 750 (30 000+55 750) сўм суд харажатларини банк зиммасига юклашни лозим топиш тўғрисида қарор қабул қилган.

20-1606/13307-сонли иш
* * *

II. Моддий ҳуқуқ нормаларини қўллаш амалиёти

1. Суд қарорлари моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларига тўлиқ мос ҳолда қабул қилинган бўлса, жавобгар томонидан келтирилган вазлар суд қарорларини ўзгартириш ёки бекор қилиш учун асос бўла олмайди.

Суднинг мазмунан тўғри бўлган ҳал қилув қарори, қарори фақат юзаки асослар бўйичагина бекор қилиниши мумкин эмас.

Суд харажатлари ишда иштирок этувчи шахсларнинг қаноатлантирилган даъво талаблари миқдорига мутаносиб равишда уларнинг зиммасига юклатилади.

Вилоят хўжалик судининг 15-1606/9732-сонли иши бўйича 2017 йил 10 июнда қабул қилинган ҳал қилув қарорига асосан «ТА’МIR» масъулияти чекланган жамиятидан (бундан буён матнда қарздор деб юритилади) унитар корхонаси (бундан буён матнда аризачи деб юритилади) фойдасига 320 209 350 сўм асосий қарз, 32 020 935 сўм пеня, 3 552 303 сўм давлат божи ва 3 000 сўм почта харажатлари, жами 355 755 588 сўм

ундирилган ва ижро варақаси берилган.

Қарздорнинг суд қарорига асосан қарздорликни тўлаш учун тўлов қобилияти йўқлиги, пул маблағларини ўз вақтида ўтказиб бермаганлиги, солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарзи мавжудлиги сабабли, аризачи судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, қарздорни банкрот деб топишни сўраган.

Туманлараро иқтисодий судининг 2019 йил 7 июндаги ҳал қилув қарори билан қарздор банкрот деб топилган ва тугатишга доир иш юритиш бошланган. Б.Жўраев қарздорни тугатиш бошқарувчиси этиб тайинланган.

Вилоят иқтисодий суди апелляция инстанциясининг 2019 йил 7 августдаги қарори билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Қарздор томонидан мазкур суд қарорлари устидан назорат шикоятни берилган бўлиб, унда жамиятда 20 нафардан ортиқ ишчи-ҳодимлар ишлаб келаётганлиги, жамият фаолиятини тиклаш ва юритиш учун имконияти мавжудлиги, аризачи билан ўзаро келишувга эришиш ва ҳамкорликда ишлаш чоралари кўрилганлиги инobatга олинмаганлигини кўрсатиб, суд қарорларини бекор қилиб, суд санацияси жорий қилиш ҳақида ажрим чиқариш сўралган.

Иш ҳужжатларидан кўринишича, вилоят хўжалик судининг 15-1606/9732-сонли иши бўйича 2017 йил 10 июнда қабул қилинган ҳал қилув қарорига асосан қарздордан аризачи фойдасига жами 355 755 588 сўм ундирилган ва ижро варақаси берилган.

Биринчи инстанция суди томонидан ишни кўриш вақтида амалда бўлган «Банкротлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 4-моддасига кўра, қарздорнинг пул мажбуриятлари бўйича кредиторлар талабларини қондиришга ва (ёки) мажбурий тўловлар бўйича ўз мажбуриятини бажаришга қодир эмаслиги, агар тегишли мажбуриятлар ва (ёки) тўловлар мажбурияти юзага келган кундан эътиборан уч ой давомида қарздор томонидан бажарилмаган бўлса, унинг банкротлик аломатлари деб эътироф этилади.

Бундан ташқари, ушбу Қонуннинг 5-моддасида банкротлик тўғрисидаги иш банкротлик аломатлари мавжуд бўлган тақдирда, агар қарздор юридик шахсга нисбатан жами талаблар базавий ҳисоблаш миқдорининг камида беш юз қаррасини ташкил этадиган бўлса, иқтисодий суд томонидан қўзғатилиши мумкин, ушбу Қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно эканлиги кўрсатилган.

Қарздорнинг туман давлат солиқ инспекцияси олдида 56 535 133 сўм, аризачи олдида 309 653 941 сўм қарздорлиги мавжудлиги, Фарғона вилоят хўжалик судининг 15-1606/9732-сонли иши бўйича 2017 йил 10 июнда қабул қилинган ҳал қилув қарори билан тасдиқланганлиги, қарздорлик миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг беш юз бараваридан ошиб кетганлиги, тўлов мажбурияти юзага келган кундан эътиборан қарздор томонидан бажарилмаганлиги ҳолати ишдаги ҳужжатлар ва тарафлар вакилларининг кўрсатмалари билан тўлиқ ўз исботини топган.

Аризачининг қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризаси суднинг 2019 йил 15 апрелдаги ажрими билан иш юритишга қабул қилиниб, қарздорга нисбатан кузатув таомили жорий этилган.

Қарздор кредиторларининг 2019 йил 8 майдаги қарори билан қарздорга нисбатан банкротликнинг тугатиш таомилини жорий этиш суддан сўралган.

Биринчи инстанция судининг 2019 йил 7 июндаги ҳал қилув қарори билан қарздор банкрот деб топилган ва унга тугатишга доир иш юритиш бошланган.

ИПК 322-моддасининг биринчи қисмига биноан суд ҳужжатининг ноқонунийлиги ёки асоссизлиги ҳал қилув қарорини, қарорни назорат тартибида ўзгартириш ёки бекор қилиш учун асос бўлади.

Мазкур ҳолатда биринчи ва апелляция инстанцияси судлари ишда иштирок этувчи шахсларнинг важларини муҳокама этиб, уларга тегишли ҳуқуқий баҳо бериб, моддий ҳамда процессуал ҳуқуқ нормаларини тўғри қўллаб, иш ҳолатларига мувофиқ қонуний ва асослантилган қарорлар қабул қилган. Шу

сабабли уларни ўзгартириш ёки бекор қилиш учун асослар мавжуд эмас.

Судлов ҳайъати қарздорнинг суд санацияси жорий қилиш ҳақидаги илтимосномасини қаноатлантириш учун асослар йўқ деб ҳисоблайди. Чунки, аризачи судга қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилгунга қадар бўлган даврда ҳам қарздор аризачи олдидаги мажбуриятларини ўз вақтида бажариш чораларини кўрмаган.

Қайд этилганларга кўра, судлов ҳайъати қарздорнинг назорат шикоятини қаноатлантиришни рад этишни, суд қарорларини эса ўзгартиришсиз қолдиришни, ишни назорат тартибида кўриш билан боғлиқ суд харажатлари қарздор томонидан олдиндан тўланганлигини инobatга олиб, ундан ишни видеоконференцалоқа режимида кўриш билан боғлиқ суд харажатларини ундириш тўғрисида қарор қабул қилган.

4-1504-1903/853-сонли иш

* * *

2. Тадбиркорлик субъектлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйишда, жумладан Ўзбекистон Республикаси аҳоли яшаш жойлари атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш санитария меъёр ва қоидаларига сўзсиз риоя этиши шарт. Бунга риоя этмаслик уларнинг фаолиятини суд тартибида тўхтатишга сабаб бўлади.

Вилоят давлат санитария-эпидемиология назорати маркази (бундан буён матнда вилоят ДСЭНМ деб юритилади) «N» масъулияти чекланган жамиятига (бундан буён матнда МЧЖ деб юритилади) нисбатан ариза билан мурожаат қилиб, МЧЖга тегишли бўлган, атроф-муҳитга зарар келтираётган объект фаолиятини тўхтатишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2018 йил 4 октябрдаги ҳал қилув қарори билан арз қилинган талаб қаноатлантирилган. МЧЖ аниқланган санитария қоидалари, нормаларининг бузилишлари бартараф этгунга қадар унинг полипропилен қоплардан иккиламчи хомашё ишлаб чиқариш фаолияти тўхтатилган.

Апелляция инстанцияси судининг 2018 йил 20 ноябрдаги қарори билан ҳал қилув қарори ўзгартиришсиз қолдирилган.

МЧЖ назорат шикояти билан мурожаат қилиб, мамлакатда тадбиркорликка кенг кўламда шарт-шароит яратиб берилаётганлиги, шунга кўра полипропилен қоплардан иккиламчи хомашё (полипропилен гранулалари) ишлаб чиқариш бўйича тадбиркор сифатида фаолиятни бошлаганлиги, фаолиятни бошлашдан олдин шаҳар давлат санитария-эпидемиология назорати марказининг (бундан буён матнда шаҳар ДСЭНМ деб юритилади) 2018 йил 25 июндаги 01-08/735-сонли рухсатномаси мавжуд бўлса-да, вилоят ДСЭНМ томонидан ушбу рухсатнома 2018 йил 4 октябрда бекор қилинган ва тадбиркорликка тўсқинлик қилинганлигини, шунингдек вилоят ДСЭНМ судга ариза билан мурожаат қилиб, тадбиркорнинг фаолиятини тўхтатилишига эришганлиги, МЧЖ томонидан берилган апелляция шикояти асоссиз равишда рад этилганлигини билдирган ва суд қарорларини бекор қилишни сўраган.

Суд мажлисида иштирок этган жавобгар раҳбари назорат шикоятида баён қилинган вазларни қувватлаб, уни қаноатлантиришни сўради.

Суд мажлисида иштирок этган даъвогар вакили суд қарорларини ўзгартиришсиз қолдиришни сўради.

Судлов ҳайъати назорат шикоятини қаноатлантиришни рад этишни, суд қарорларини ўзгартиришсиз қолдиришни лозим топди.

«Аҳолининг санитария-эпидемиологик сойишталлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 8-моддаси биринчи қисмининг иккинчи хатбошисига кўра, давлат санитария назорати Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Давлат санитария-эпидемиология назорати республика маркази, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ҳамда шаҳарлар давлат санитария-эпидемиология назорати марказлари томонидан амалга оширилади.

«Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг қафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 42-моддасининг бирин-

чи хатбошисига кўра, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда тадбиркорлик субъектларига нисбатан ҳуқуқий таъсир чоралари қўлланилади, тўртинчи хатбошисига кўра, фаолиятни чеклаш, тўхтатиб туриш ва тақиқлаш, бундан фавқулодда вазиятлар, эпидемиялар ҳамда аҳолининг ҳаёти ва соғлиғи учун бошқа ҳақиқий хавф юзага келишининг олдини олиш билан боғлиқ ҳолда фаолиятни ўн иш кунидан кўп бўлмаган муддатга чеклаш, тўхтатиб туриш ҳоллари мустасно, фақат суд тартибида қўлланилади.

Иш ҳужжатларидан маълум бўлишича, вилоят экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси, шаҳар ДСЭНМ, «З» МФЙ, МЧЖ ва ушбу ҳудудда истикомат қилувчи фуқаролар иштирокида 2017 йил 23-24 октябрь кунлари МЧЖнинг молия-хўжалик фаолиятига аралашмаган ҳолда мониторинг ўтказилган.

Мониторингда МЧЖ «З» МФЙ, «З» кўчаси, 3-уйда полипропилен қошлардан иккиламчи хомашё ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланиши, ушбу фаолият 0350-17-сонли «Ўзбекистон Республикаси аҳоли яшаш жойлари атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш санитария меъёр ва қоидалари»нинг 6.1.1-бандига мувофиқ 4-синфга мансуб бўлиб, унинг санитария ҳимоя минтақаси 100 метр этиб белгиланган бўлса-да, МЧЖ билан аҳоли яшаш ҳудудигача бўлган масофа 75 метрни ташкил этиши аниқланган ва бу тўғрисида далолатнома тузилган.

МЧЖ раҳбари Р.Абдуллаев мониторинг давомида берган тушунтиришида ишлаб чиқариш жараёнида ҳосил бўладиган салбий ҳолатларни олдини олиш чораларини кўриши ҳамда келажакда фаолиятини бошқа жойга кўчиришини билдирган бўлса-да, МЧЖ томонидан чора кўрилмаган.

Баён этилган асосларга кўра, вилоят ДСЭНМ судга ариза билан мурожаат қилиб, МЧЖнинг фаолиятини тўхтатиб қўйишни сўраган.

0350-17-сонли «Ўзбекистон Республикаси аҳоли яшаш жойлари атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш санитария меъёр ва қоидалари» 6.1.1-бандига мувофиқ пластмассани

қайта ишловчилар 4-хавфлилик синфига мансуб бўлиб, ушбу тоифадаги ишлаб чиқариш корхоналари ва аҳоли яшаш хонадонигача 100 метрли санитария муҳофаза масофаси белгиланган.

МЧЖнинг полипропилен қошлардан иккиламчи хомашё ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланиши натижасида ҳудуддаги аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилган.

Шунингдек, МЧЖга шаҳар ДСЭНМнинг 2018 йил 25 июндаги 01-08/735-сонли хати асосида фаолият кўрсатишларига рухсат берилган бўлса-да, ушбу рухсатноманинг қонунийлиги вилоят ДСЭНМ томонидан ўрганилиб, 2018 йил 4 октябрдаги 143-и/ф-сонли қарори билан бекор қилинган.

Вилоят ДСЭНМнинг 2018 йил 4 октябрдаги 143-и/ф-сонли қарори устидан МЧЖ маъмурий судга мурожаат қилиш ва уни ҳақиқий эмас деб топишни сўраш ҳуқуқи мавжуд бўлса-да, МЧЖ бу ҳуқуқдан фойдаланмаган ва вилоят ДСЭНМнинг юқорида қайд этилган қарори қонуний кучда.

Бундан кўринадики, МЧЖга суд томонидан тўхтатилиши белгиланган фаолиятни амалга ошириш юзасидан ваколатли органнинг рухсати мавжуд эмас.

Биринчи инстанция суди вилоят ДСЭНМнинг ариза талабини қаноатлантириб, МЧЖнинг полипропилен қошлардан иккиламчи хомашё ишлаб чиқариш фаолиятида аниқланган санитария қоидалари, нормалари бузилишлари бартараф этилгунига қадар тўхтатиш тўғрисида асосли хулосага келган.

Апелляция инстанцияси суди ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдириб, тўғри тўхтамга келган.

Судлов ҳайъати ҳам биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори ва апелляция инстанцияси судининг қарорини ўзгаришсиз, МЧЖнинг назорат шикоятини эса қаноатлантирмасдан қолдириш тўғрисида асосли хулосага келган.

4-1601-1802/5413-сонли иш

* * *



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИНИНГ ФУҚАРОЛИК ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ ТОМОНИДАН 2019 ЙИЛНИНГ ТЎРТИНЧИ ЧОРАГИДА НАЗОРАТ ТАРТИБИДА КЎРИЛГАН ИШЛАР БЎЙИЧА СУД АМАЛИЁТИ ОБЗОРИ

1. Ўн ёшга тўлган фарзандларнинг ким билан яшаш ҳақидаги фикри эътиборга олинмаганлиги ва тегишли экспертиза тайинланмаганлиги суд қарорларини бекор қилишга асос бўлади.

Н.Исламова жавобгар А.Исламовга нисбатан судга даъво билан мурожаат қилиб, уч нафар вояга етмаган фарзандларини яшаш жойини белгилаш ҳамда уларнинг моддий таъминоти учун алимент ундиришни сўраган.

Туманлараро судининг 2018 йил 5 сентябрдаги ҳал қилув қарори билан даъво қисман қаноатлантирилиб, 2007 йилда туғилган Анвархўжа, 2009 йилда туғилган Асилахон ҳамда 2011 йилда туғилган Акбархўжа онаси Н.Исламовага олиб берилиб, уларнинг моддий таъминоти учун А.Исламовнинг ҳар ойлик иш ҳақи ва бошқа турдаги даромадларининг ½ қисми миқдоридан фарзандлари вояга етгунга қадар алимент ундириш белгиланган.

Апелляция инстанциясининг 2018 йил 9 октябрдаги ажрими билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз колдирилган.

Судлов ҳайъатининг 2019 йил 23 октябрдаги ажрими билан қуйидаги асосларга кўра суд қарорлари бекор қилиниб, даъвони рад қилиш ҳақида янги қарор чиқарилган.

Аниқланишича, Н.Исламова ва А.Исламов 2006 йил 14 июнда қонуний никоҳдан ўтиб турмуш қурганлар. Биргаликдаги турмушидан тўрт нафар, яъни 2007 йилда туғилган Анвархўжа, 2009 йилда туғилган Асилахон, 2011 йилда туғилган Акбархўжа ва 2017 йилда туғилган Нодирхўжа исмли фарзандлари бор.

Улар оилавий келишмовчилик сабабли 2018 йил февралдан бошлаб алоҳида яшаб келган. Судга мурожаат қилгунга қадар 2007 йилда туғилган Анвархўжа, 2009 йилда туғилган Асилахон ҳамда 2011 йилда туғилган Акбархўжа отаси А.Исламов билан, 2017 йилда туғилган Нодирхўжа эса, Н.Исламова билан алоҳида уй-жойда яшаган.

Судлар даъвони қаноатлантиришда болаларга кўпроқ она тарбияси ва меҳри аҳамиятли эканлиги, болалар фақат сўнгги етти ой давомида ота тарбиясида эканлиги, бу ҳолатда отанинг таъсири остида болаларда унинг тарбиясида қолиш истаги шаклланганлигига асосланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1998 йил 11 сентябрдаги «Болалар тарбияси билан боғлиқ бўлган низоларни ҳал қилишда судлар томонидан қонунларни қўллаш амалиёти тўғрисида»ги 23-сонли қарорининг 3-бандига кўра, суд 10 ёшга тўлган боланинг ота-онасининг қайси бири билан яшаш истаги борлигини ҳам эътиборга олиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 68-моддасига асосан оилада боланинг манфаатларига тааллуқли ҳар қандай масала ҳал қилинаётганда бола ўз фикрини ифода қилишга, шунингдек ҳар қандай суд муҳокамаси ёки маъмурий муҳокама даврида сўзлашга ҳақлидир.

Судлов ҳайъати суд мажлисида 10 ёшга тўлган Анвархўжа ва Асилахон отаси билан яшаш истагини билдирган.

Шунингдек, судлов ҳайъатига тақдим

этилган суд психологик экспертизасининг хулосасида:

- 2007 йилда туғилган Анвархўжа, 2009 йилда туғилган Асилахон, 2011 йилда туғилган Акбархўжанинг онасига бўлган муносабати бетараф бўлиб, рухий боғланиш мавжуд эмаслиги, уларнинг отасига бўлган муносабати ижобий бўлиб, тадқиқот даврида аниқланган ҳолатлар ва ота-онанинг индивидуал-психологик хусусиятидан келиб чиқиб, болаларнинг онасига бўлган муносабати отанинг таъсири остида юзага келмаганлиги;

- отанинг болаларига нисбатан муносабати юқори рефлексли ҳиссиётга эга бўлиб, она болалари билан ҳиссий яқинлиги камлиги билан боғлиқ. Эксперт кузатувида, она юзага келган вазиятдан фойдаланган ҳолда молиявий кўринишдаги масала ечими билан машғул;

- вояга етмаганлар Анвархўжа, Асилахон ва Акбархўжанинг укаси Нодирхўжа билан рухий боғлиқлик мавжуд ва укасини ўзлари билан бирга яшашларини истайди;

- болаларнинг яшаш жойини ўзгартириш уларнинг рухий ҳолатига таъсир ўтказиб, болаларда рухий зўриқиш келиб чиқишига (стресс) олиб келади, бу эса уларнинг соғлиғига, шахснинг ривожланиши ва кадриятлар шаклланиши, ижтимоий мослашувига салбий таъсир кўрсатиши хулоса қилинган.

Шунга қарамаздан, судлар болалар манфаатига зид ҳолатда даъвони қаноатлантириш ҳақида асосиз хулосага келган.

6-526-19-сонли иш

* * *

2. Мулкдор бўлмаган, лекин қўчмас мол-мулкка ўн беш йил давомида ёки бошқа мол-мулкка беш йил давомида ўзиники каби ҳалол, ошқора ва узлуксиз эгалик қилган шахс бу мол-мулкка мулк ҳуқуқини олади.

Н.Ахманова жавобгар В.Шеровга нисбатан судга даъво билан мурожаат қилиб, 39-уй, 53-хонадонга нисбатан эгалик ҳуқуқини белгилашни сўраган.

Туманлараро судининг 2018 йил 23 апрелдаги ҳал қилув қарори билан Н.Ахманованинг даъвоси қаноатлантирилиб, 39-уй, 53-хона-

донга нисбатан эгалик ҳуқуқи белгиланиб, Н.Ахмановадан 843 230 сўм давлат божи ундириш белгиланган.

Вилоят суди кассация инстанциясининг 2019 йил 15 мартдаги ажрими билан суднинг ҳал қилув қарори бекор қилиниб, даъвони рад қилиш ҳақида янги ҳал қилув қарори қабул қилинган.

Судлов ҳайъатининг 2019 йил 28 ноябрдаги ажрими билан кассация инстанциясининг ажрими бекор қилиниб, туманлараро судининг ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Аниқланишича, шаҳарнинг Нодирабегим кўчасида жойлашган 39-уй, 53-хонадон 1992 йил 24 сентябрда нотариал тасдиқланган олди-сотди шартномасига кўра В.Шеровга тегишли бўлган.

Н.Ахманова шаҳарнинг Нодирабегим кўчасида жойлашган 39-уй, 53-хонадонни 1992 йил 20 декабрда оғзаки келишув асосида В.Шеровдан сотиб олиб, турмуш ўртоғи М.Воҳидов ва оила аъзолари билан бирга яшаб келишган.

Н.Ахманова 2014 йил 20 августда, турмуш ўртоғи М.Воҳидов 2008 йил 25 апрелда низоли хонадонга доимий рўйхатга қўйилган.

Биринчи инстанция суди иш ҳолатлари-га баҳо бериб, хонадон қонунда белгиланган муддат давомида эгаллаб келинганлиги мақбул далиллар билан тасдиқланишини асос қилиб, даъвони қаноатлантириш ҳақида хулосага келган.

Кассация инстанцияси хонадон юзасидан олди-сотдини ўзида ифодалаган тилхат сохталаштирилганлиги ва бу ҳалол эгаллаб келинганлигини инкор этишини асос қилиб, ҳал қилув қарорини бекор қилиб, даъвони рад қилган.

Аниқланишича, МФЙ 2013 йил 21 июндаги ҳамда 2018 йил 29 мартдаги далолатномаларга кўра, эр-хотин Н.Ахманова ва М.Воҳидов ушбу хонадонда 1993 йилдан буён оила аъзолари билан яшаб, коммунал ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаб келган.

Ушбу ҳолатни судлов ҳайъатида гувоҳ сифатида сўралган кўшниллар ҳамда МФЙ раиси ҳам тасдиқлашган, шунингдек даъвогар низо-

ли уй-жой учун коммунал, солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаб келаётганлиги ҳақидаги ҳужжатларни судларга тақдим қилган.

Бундан ташқари, ИИБнинг 2013 йил 28 августдаги 27/62-19857-сонли хатида, жавобгар В.Шеров жиноят содир этганлиги бўйича қидирувда эмаслиги, ДНИнинг 2018 йил 12 апрелдаги 2-488-сонли хатида, низоли уй-жой юзасидан мерос иши очилмаганлиги қайд этилган.

Судлов ҳайъатига тақдим этилган Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри бўйича Давлат қўмитасининг 2019 йил 13 ноябрдаги №1/2-1546-сонли хатига кўра, Н.Ахманова ва М.Воҳидов номига шаҳар ва вилоят ҳудудида уй-жой расмийлаштирилмаган.

Туманлараро судининг 2009 йил 21 декабрдаги ҳал қилув қарорига кўра, М.Воҳидовнинг жавобгарлар В.Шеров ва туман ҳокимиятига нисбатан низоли уй-жой бўйича олди-сотди битимини ҳақиқий деб топиш ҳақидаги даъво талаби рад қилинган.

Ушбу даъво талабига асос сифатида келтирилган тилхат қалбакилаштирилганлиги боис М.Воҳидовга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 228-моддаси билан кўзғатилган жиноят иши суднинг 2009 йил 6 ноябрдаги ажрими билан амнистия актига асосан тугатилган.

Кассация инстанцияси суди ушбу суд ажрими билан уй-жойнинг ҳалол эгаллаб келинганлиги инкор этилишини асос қилган.

Бироқ, кассация инстанцияси жиноят ишлари бўйича суднинг ажрими даъвогар Н.Ахмановага эмас, балки М.Воҳидовга тегишли эканлигини инобатга олмаган.

Бунда биринчи инстанция суди қонун талаблари ва аниқланган иш ҳолатларидан келиб чиқиб, низоли уй-жойга нисбатан эгалик ҳуқуқини белгилашга асос бўлувчи қонунда назарда тутилган барча ҳолатлар мавжудлиги, яъни даъвогар низоли уй-жойда узоқ вақтдан буён узлуксиз яшаб келаётганлиги, мазкур уй-жойни ҳалол ва ошқора йўл билан эгаллаб келганлиги, мулкка ўзиники каби муносабатда бўлиб келаётганлигини инобатга олиб,

даъвони қаноатлантириш ҳақида ҳулосага келган бўлса-да, кассация инстанцияси ушбу ҳолатларни эътиборга олмасдан, даъвони рад қилиш ҳақида нотўғри ҳулосага келган.

6-1746-19-сонли иш
* * *

3. Кадастр ҳужжатидаги қайд этилган фактлар инобатга олинмаганлиги боис, суд қарорлари бекор қилинди.

М.Баратов судга даъво аризаси билан муножаат қилиб, туманнинг Сармич МФЙдаги уй-жойни марҳум онасининг улушига ўзини, акаси Ж.Баратов ва отаси Х.Баратовни меросхўр деб топиб, улушини ажратиб беришни сўраган.

Туманлараро судининг 2018 йил 26 сентябрдаги ҳал қилув қарорига кўра, даъво қаноатлантирилиб, туманнинг Сармич МФЙда жойлашган Х.Баратовга тегишли бўлган уй-жой марҳума А.Баратова ва Х.Баратовнинг умумий мулки деб топилиб, М.Баратов уй-жойнинг ½ қисмига меросхўр деб топилган ва уй-жойни ушбу қисми натура шаклда ажратиб берилган.

Вилоят суди апелляция инстанциясининг 2018 йил 27 ноябрдаги ажрими билан суд қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Судлов ҳайъатининг 2019 йил 24 декабрдаги ажрими билан қуйидаги асосларга кўра суд қарорлари бекор қилиниб, даъвони рад қилиш ҳақида янги қарор чиқарилган.

Аниқланишича, А.Баратова Х.Баратов билан 1979 йил 27 январда қонуний никоҳдан ўтиб турмуш қурган. Биргаликдаги турмушларидан икки нафар, яъни 1981 йилда Ж.Баратов ва 1984 йилда М.Баратова исмли фарзандлари туғилган.

А.Баратова 1987 йилда вафот этган.

Х.Баратов 1988 йилда М.Норкулова билан қонуний никоҳдан ўтиб турмуш қурган ва ундан 2 нафар фарзандли бўлган.

Туманнинг Сармич МФЙда жойлашган уй-жойга туман ҳокимининг 2016 йил 10 августдаги 2047Қ-сонли қарори билан Х.Баратовнинг эгалик ҳуқуқи белгиланган ва давлат рўйхатидан ўтказилган.

Судлар низоли уй-жойлар А.Баратова ва

Х.Баратовнинг турмушлари даврида қурилган деб ҳисоблаб, уй-жойни умумий мулк деб топган.

Бироқ, судлар 2018 йил 12 ноябрдаги туман ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси томонидан берилган Х.Баратовга тегишли уй-жойга 2016 йилда кадастр ҳужжати тайёрланиб, туман ҳокимининг 2016 йил 10 августдаги 2047Қ-сонли қарорига асосан 2016 йил 11 августда давлат рўйхати-га олинганлиги, ҳужжатга асосан 0001-литер уй-жой майдони 85,5 м² қисми 1983 йилда, 0002-литер уй-жой майдони 55,58 м² қисми 2008 йилда қурилганлиги, қолган ёрдамчи иморатлар 1989, 2009, 2012 йилларда қурилганлиги ҳақидаги маълумотномани инobatга олмаган.

Манфаатдор шахс М.Норкулова суд мажлисидаги тушунтиришларида низоли уй-жойга келин бўлиб тушганлигини, ўша вақтларда икки хона ва битта даҳлиз бўлганлиги, кейинчалик кўшимча қурилишлар қилишганлигини, уй-жойнинг иккита хонасини қайтадан таъмирлаганликларини, уй-жойдан 30 йилдан бери фойдаланиб келаётганлигини, уй-жойда унинг ҳам ҳиссаси борлигини баён қилган.

«Давлат кадастрлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 13-моддасига биноан, кадастр объектларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш юридик ва жисмоний шахсларнинг кадастр объектларига бўлган ҳуқуқлари давлат томонидан эътироф этилиши ва тасдиқланишининг юридик ҳужжати ҳисобланади.

Аmmo, судлар қайд этилган қонун талаби ва иш ҳолатларини эътиборга олмасдан даъво асосиз равишда қаноатлантирган.

6-1843-19-сонли иш

* * *

4. Касаба уюшмаси раёсати иш берувчининг ташаббусига кўра ходим билан меҳнат шартномасини бекор қилишга розилик бериш ёки бермаслик масаласини ҳал қилишга ваколатли эмаслиги боис, суд қарори бекор қилинди.

А.Нозимов жавобгар институтга нисбатан судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб,

унда институт ректорининг буйруғини ғайриқонуний деб топиб, уни бекор қилиш ва ишга тиклаш, мажбурий прогул кунлари учун иш ҳақи ҳамда маънавий зарарни ундиришни сўраган.

Туманлараро судининг 2018 йил 10 майдаги ҳал қилув қарори билан А.Нозимовнинг даъво талаблари қаноатлантирилиб, буйруқ бекор қилинган ва А.Нозимов лавозимига ишга тикланган, институтдан А.Нозимовнинг фойдасига мажбурий прогул вақти учун иш ҳақи ва маънавий зарар ундириш белгиланган.

Вилоят суди апелляция инстанциясининг 2019 йил 18 июндаги ажрими билан ҳал қилув қарори бекор қилиниб, даъво раъво қилиш ҳақида янги ҳал қилув қарори қабул қилинган.

Судлов ҳайъатининг 2019 йил 18 декабрдаги ажрими билан апелляция инстанциясининг ажрими бекор қилиниб, туманлараро судининг ҳал қилув қарорини ишга тиклаш қисми ўзгаришсиз қолдирилган ҳамда мажбурий прогул кунлари учун иш ҳақи ва маънавий зарар ундиришга оид қисмлари ўзгартирилган.

Аниқланишича, А.Нозимов 2016 йилдан бошлаб меҳнат шартномаси асосида институт қошидаги «Қайта тайёрлаш ва малака ошириш маркази» директори лавозимида ишлаб келиб, институтнинг 2018 йил 23 мартдаги буйруғи билан меҳнат шартномаси Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси 100-моддаси иккинчи қисмининг 7-бандига асосан бекор қилинган.

Буйруққа Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси 100-моддаси иккинчи қисмининг 7-банди, огоҳлантириш хати ҳамда институт бирлашган касаба уюшмаси кўмитаси раёсатининг 2018 йил 15 мартдаги 1-4 «О»-сонли йиғилиш қарори асос қилиб кўрсатилган.

А.Нозимов меҳнат шартномасини бекор қилишда меҳнат қонунчилиги бузилганлиги, хусусан касаба уюшма кўмитасининг розилиги олинмаганлиги, унга йиғилиш ўтказиладиган сана ва жой ҳақида олдиндан ёзма равишда хабар қилинмаганлигини ваъж қилган.

Биринчи инстанция суди даъвони қаноатлантиришда иш берувчи томонидан даъвогар билан тузилган меҳнат шартномаси Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси 102-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган ҳолатлар асосида бекор қилинмаганлигига асосланган.

Вилоят суди апелляция инстанцияси даъвогар А.Нозимов меҳнат шартномаси бекор қилиниши ҳақида огоҳлантирилганлигини ҳамда қасаба уюшмаси қўмитаси йиғилишида иштирок этганлигини асос қилиб, суд қарорини бекор қилиш ва даъвогарнинг даъво талабларини рад қилиш ҳақида хулосага келган.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси 101-моддасининг биринчи қисмида, башарти, жамоа келишуви ёки жамоа шартномасида меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиш учун қасаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимлар бошқа вакиллик органининг олдиндан розилигини олиш назарда тутилган бўлса-да, шартномани бундай розиликни олмай бекор қилишга йўл қўйилмаслиги кўрсатилган.

Институт бирлашган қасаба уюшма қўмитаси раёсатининг 2018 йил 15 мартдаги 1-4«О»-сонли қарори билан А.Нозимов билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилишга розилик берилган бўлса-да, аммо институтнинг 2017-2020 йиллар учун тузилган жамоа шартномасининг 3.4-бандида меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиниши фақатгина қасаба уюшма қўмитасининг олдиндан розилигини олиб амалга оширилиши кўрсатилган.

Шунингдек, Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсатининг 2013 йил 26 январдаги 9-15-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси тизимидаги бошланғич қасаба уюшмаси ташкилоти тўғрисидаги намунавий Низомнинг 9.2-бандида бошланғич ташкилот қасаба уюшмаси қўмитасининг ваколатларида, жамоа шартномасида назарда тутилган ҳолларда иш берувчининг ташаббусига кўра, ходим билан меҳнат шартномасини бекор қилишга розилик бериш ёки бермаслик масаласини ҳал қилиши қайд этилган.

Судларга даъвогар билан тузилган меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишда жавобгар вакиллари юқоридаги Низомнинг 9.4-бандида Раёсат сайланган қасаба уюшма қўмитаси ўзининг айрим, шу жумладан, меҳнат шартномасини бекор қилишга розилик бериш ваколати ҳам Раёсатга берилганлигини, қасаба уюшмасининг айнан қандай ваколатларни раёсатга берганлиги институт бошланғич қасаба уюшмаси қўмитаси йиғилиши баённомасида кўрсатилганлигини баён қилиб, 2017 йил 3 апрелдаги баённомани тақдим этган.

Бироқ, судлов ҳайъати иш берувчининг ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилишда қасаба уюшмасининг розилиги олиниши қонунда тўғридан-тўғри кўрсатилганлиги, ушбу ҳолатда қасаба уюшмасининг қонунда назарда тутилган ваколатни қасаба уюшмаси қўмитаси йиғилиши баённомаси асосида раёсатга бериши қонун талабига зид деган хулосага келган.

Бундан ташқари, судлов ҳайъати томонидан бундай хулосага келишда, А.Нозимов билан тузилган меҳнат шартномаси иш берувчининг 2018 йил 23 мартдаги 66-ш-сонли буйруғи билан бекор қилинган ва бирлашган қасаба уюшма қўмитаси раёсатининг 2018 йил 15 мартдаги 1-4 «О»-сонли қарори билан розилик берилган бўлса-да, ушбу қарор 2018 йил 30 мартда, яъни меҳнат шартномаси бекор қилингандан кейин, институт бошланғич қасаба уюшмаси қўмитаси йиғилиш қарори билан қайтадан тасдиқланганлигини инобатга олган.

Апелляция инстанцияси қайд этилган меҳнат қонунчилиги талаблари ва иш ҳолатларини эътибордан четда қолдириб, даъвони асоссиз равишда рад қилган.

6-1767-19-сонли иш

* * *

5. Корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмаларининг маъмурий ва бошқа оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан юзага келмайдиган қарорлари ҳамда улар мансабдор шахсларининг шундай ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан ни-

золашиш тўғрисидаги ишлар фуқаролик ишлари бўйича судга тааллуқли.

Ш.Барноев мансабдор шахс Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ва вилоят божхона бошқармасига нисбатан судга шикоят билан мурожаат қилиб, Давлат божхона қўмитасининг 2012 йил 2 октябрдаги хизмат текшируви ўтказишдаги хатти-ҳаракатларини қонунга хилоф деб ҳисоблаш ва хизмат текшируви хулосасини ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

Туманлараро судининг 2019 йил 9 октябрдаги ажрими билан ариза иш юритишдан тугатилган ва Ш.Барноевга Давлат божхона қўмитасига мурожаат этиши, мурожаатига нисбатан берилган жавобдан норози бўлган тақдирда тегишли тартибда маъмурий судга шикоят бериш ҳуқуқи тушунтирилган.

Апелляция инстанцияси судининг 2019 йил 29 октябрдаги ажрими билан биринчи инстанция судининг ажрими ўзгаришсиз қолдирилган.

Судлов ҳайъатининг 2019 йил 25 декабрдаги ажрими билан суд ажримлари бекор қилиниб, иш янгидан кўриш учун биринчи инстанция судига юборилган.

Аниқланишича, аризачи Ш.Барноев вилоят божхона бошқармасида инспектор лавозимида ишлаб келиб, Давлат божхона қўмитаси раисининг 2006 йил 4 декабрдаги 365 ш/т-сонли буйруғига асосан у Ўзбекистон Республикаси Божхона органлари интизомий Уставининг 16-банди «ж» кичик бандига мувофиқ эгаллаб турган лавозимидан озод қилинган.

Ш.Барноев ишдан бўшатирилганлиги ва меҳнат дафтарчаси ўз вақтида берилмаганлигидан норози бўлиб юборган шикояти юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг 2012 йил 27 сентябрдаги хатига асосан Давлат божхона қўмитаси томонидан хизмат текшируви ўтказилган ва 2012 йил 2 октябрда хулоса тасдиқланган.

Хизмат текшируви хулосасида вилоят давлат божхона бошқармаси кадрлар бўлими масъул ходимлари Я.Ш ва Н.М томонидан Ш.Барноев ишдан бўшатирилганидан кейин унга меҳнат дафтарчаси ўз вақтида берил-

маган ва «Меҳнат дафтарчаларини юритиш тартиби тўғрисида»ги Йўриқнома талаблари бузилганлиги аниқланган.

Ш.Барноев шикоятда хизмат текшируви ўтказишдаги хатти-ҳаракатларни қонунга хилоф ва хизмат текшируви хулосасини ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

Судлар ушбу талаб меҳнат низоси эмаслиги ва низо маъмурий судга тегишли эканлигини асос қилиб, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодекси 124-моддасининг 1-бандига асосан иш юритишни тугатган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 3-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқларини, эркинликларини ва қонуний манфаатларини суд орқали ҳимоя қилиш кафолатланади.

Судлов ҳайъати томонидан аниқланишича, вилоят маъмурий суди кассация инстанциясининг 2018 йил 22 декабрдаги ажрими билан ўзгаришсиз қолдирилган туман маъмурий судининг 2018 йил 2 ноябрдаги ажрими билан Ш.Барноевнинг шикоятини қабул қилиш рад этилиб, унга фуқаролик ишлари бўйича судга мурожаат қилиш ҳуқуқи тушунтирилган.

Судлар ишни кўргунга қадар (2018 йил 11 октябрда) амалга киритилган Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодекси 26-моддаси биринчи қисмининг 6-бандига биноан, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмаларининг маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатларидан юзага келмайдиган қарорлари ҳамда улар мансабдор шахсларининг шундай ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан низолашиш тўғрисидаги ишлар фуқаролик ишлари бўйича судга тааллуқли эканлиги белгиланган.

Аммо, ушбу шикоятдаги талабларда мансабдор шахсларнинг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари ва қарорлари оқибатида бузилган меҳнатга оид ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда тиклашдан иборат эканлиги суднинг эътиборидан четда қолган.

6-2126-19-сонли иш

* * *

6. Турар жойда доимий яшаб, рўйхатда турган шахс уйдан кўчирилганлиги сабабли суд қарорлари бекор қилинди.

Даъвогар Т.Қосимов жавобгар И.Ибрагимовага нисбатан уй-жойдан мажбурий тартибда чиқариш ҳақидаги даъво аризаси билан судга мурожаат қилган.

И.Ибрагимова Т.Қосимов ва Қашқадарё вилоят давлат мулкани бошқариш ва хусусийлаштириш ҳудудий бошқармасига нисбатан Т.Қосимов номига 1993 йил 15 февралда берилган 800-сонли хусусийлаштириш ордени ҳақиқий эмас деб топиш ҳақида қарши даъво аризаси билан мурожаат қилган.

Фуқаролик ишлари бўйича Қашқадарё вилоят суди апелляция инстанциясининг 2019 йил 16 майдаги ажрими билан ўзгаришсиз қолдирилган Касби туманлараро судининг 2019 йил 19 мартдаги ҳал қилув қарорига кўра, даъвогарнинг даъво талаби қаноатлантирилган.

Унга кўра, И.Ибрагимовани оила аъзолари билан ҳамда манфаатдор шахслар А.Ибрагимов, Д.Хасанова ва Р.Рустамовни Миришкор тумани, Ўзбекистон кўчаси, 11-уй, 15-хонадондан мажбурий тартибда чиқариш белгиланган. Қарши даъво талабларини қаноатлантириш рад этилган. И.Ибрагимовадан Т.Қосимовнинг фойдасига 419 650 сўм суд харажати ундириш белгиланган.

Судлов ҳайъатининг 2019 йил 26 ноябрдаги ажрими билан суд қарорларининг И.Ибрагимовани оила аъзолари ва мол-мулклари билан уйдан чиқариш ҳамда Т.Қосимовнинг фойдасига 419 650 сўм суд харажатларини ундириш қисмлари бекор қилинган ва шу қисми бўйича даъвогар Т.Қосимовнинг жавобгар И.Ибрагимовага нисбатан уй-жойдан оила аъзолари ва мол-мулклари билан мажбурий тартибда чиқариш ҳақидаги даъво аризасини қаноатлантириш рад қилинган. Суд қарорларининг қарши даъвони рад этиш қисми ўзгаришсиз қолдирилган.

Иш ҳужжатларидан кўринишича, Қашқадарё вилояти давлат мулкани бошқариш ва хусусийлаштириш ҳудудий бошқармасининг 1993 йил 15 февралдаги 800-сонли давлат ор-

дерига кўра, Ўзбекистон кўчаси, 11-уй, 15-хонадон Т.Қосимовнинг номига хусусийлаштирилган.

Қашқадарё вилоят давлат мулкани бошқариш ва хусусийлаштириш ҳудудий бошқармасининг 1993 йил 8 июндаги 18821-сонли давлат ордерига кўра, Ўзбекистон кўчаси, 11-уй, 15-хонадон И.Ибрагимованинг номига хусусийлаштирилган.

Шунингдек, 1993 йил 8 июнда И.Ибрагимованинг номига берилган 18821-сонли давлат ордери Қашқадарё вилоят давлат мулкани бошқариш ва хусусийлаштириш ҳудудий бошқармаси бошлиғининг 1993 йил 19 июндаги 175-сонли буйруғи билан бекор қилинган.

Қуйи судлар даъво муддатини қўллаб, қарши даъвони рад қилиш ҳақида тўғри ҳулосага келган бўлса-да, бироқ судда И.Ибрагимова низоли уйда 1998 йилдан буён рўйхатда туриб яшаб келаётганлиги аниқланганлигини эътибордан четда қолдириб, уй Т.Қосимовга тегишли эканлиги ва унга берилган ордер ҳақиқий эмас деб топилмаганлигига асосланиб, И.Ибрагимовани оила аъзолари ва мол-мулклари билан биргаликда уйдан чиқариш ҳақида нотўғри ҳулосага келган.

Бу билан қуйи судлар иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатларни тўлиқ аниқланмаган ва моддий ҳуқуқ нормасини нотўғри қўллаган (Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 375-моддаси).

Судлов ҳайъати уйдан кўчириш ҳақидаги даъво талабини рад этишда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 172-моддаси мулкдорнинг ўз ҳуқуқларини амалга ошириши бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шартлиги, Ўзбекистон Республикаси Уй-жой кодексининг 32-моддаси уй, квартира мулкдорининг оила аъзолари, шунингдек у билан доимий яшаётган фуқаролар, агар уларни кўчириб келган пайтда ёзма равишда бошқа ҳол қайд этилган бўлмаса, уйдаги, квартирадаги хоналардан мулкдор билан тенг фойдаланишга ҳақлилиги тўғрисидаги нормаларга асосланган.

6-1946-19-сонли иш

* * *

7. Моддий ҳуқуқ нормасининг нотўғри қўлланганлиги сабабли маънавий зарар ундиришни рад этиш ҳақидаги суд қарори бекор қилинди.

Даъвогар Ч.Тиркачов жавобгарлар Қ.Қаххоров ва Р.Расуловга нисбатан ҳуқуқбузарлик оқибатида етказилган маънавий зарарни ундириш ҳақидаги даъво аризаси билан судга мурожаат қилган.

Фуқаролик ишлари бўйича Сурхондарё вилоят суди апелляция инстанциясининг 2019 йил 9 июлдаги ажрими билан ўзгаришсиз қолдирилган Кумкўрғон туманлараро судининг 2019 йил 23 апрелдаги ҳал қилув қарорига кўра, даъво талабини қаноатлантириш рад этилган.

Судлов ҳайъатининг 2019 йил 31 октябрдаги ажрими билан суд қарорлари бекор қилиниб, Ч.Тиркачовнинг даъво аризаси қисман қаноатлантирилган.

Унга кўра, жавобгарлар Қ.Қаххоров ва Р.Расуловдан даъвогар Ч.Тиркачовнинг фойдасига 1 000 000 сўм маънавий зарар, 405 460 сўм давлат божи ва 14 190 сўм почта харажатлари, жами 1 419 650 сўмни солидар тартибда ундириш белгиланган.

Иш ҳужжатларидан кўринишича, Жарқўрғон туман маъмурий судининг 2018 йил 2 октябрдаги қарорига кўра, 2018 йил 6 май куни Қ.Қаххоров била туриб, ёлғон уйдирмалар тарқатиб, туҳмат қилганликда, шу куни Р.Расулов била туриб, ёлғон уйдирмалар тарқатиб, туҳмат қилганлиги ва уни ҳақорат қилиб, шаъни ва қадр-қимматини камситганлиги юзасидан суриштирув органи томонидан 2018 йил 2 июнда жиноят ишини кўзғатиш рад этилиб, маъмурий ҳуқуқбузарликка оид иш кўзғатиш ҳақида қарор чиқарилган.

Маъмурий иш ҳужжати туман судининг иш юритувига 2018 йил 2 октябрда келиб тушган.

Жарқўрғон туман маъмурий судининг 2018 йил 2 октябрдаги қарори билан Қ.Қаххоровга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 40-моддаси билан ҳамда Р.Расуловга нисбатан ушбу Кодекснинг 40 ва 41-модда-

лари билан кўзғатилган маъмурий иш ушбу Кодекс 271-моддасининг 7-бандига асосан (маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш пайтига келиб ушбу Кодекснинг 36-моддасида назарда тутилган муддатлар ўтиб кетган бўлса) ҳаракатдан тугатилган.

Иш бўйича етказилган моддий ва маънавий зарарларни ундириш юзасидан фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судига мурожаат қилиш ҳуқуқи тушунтирилган.

Қуйи судлар жавобгарларнинг айблик масаласи муҳокама қилинмасдан, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш муддати ўтиб кетганлиги сабабли, иш юритишдан тугатилганлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1021-моддасига кўра, маънавий зарар уни етказувчининг айби бўлган тақдирда, зарар етказувчи томонидан қопланиши белгиланганлигига асосланиб, даъво талабларини рад этиш ҳақида нотўғри хулоса қилган.

Судлов ҳайъати жавобгарларнинг ҳуқуқбузарлик содир этганликлари суд қарори билан тасдиқланганлиги, бироқ уларни жавобгарликка тортиш муддати ўтиб кетганлиги сабабли иш юритиш тугатилганлигини инobatга олиб, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 75-моддаси талабларига асосан қилмиш исботланган деб ҳисоблаб, даъво аризасини қисман қаноатлантириш тўғрисида хулоса қилган.

6-1733-19-сонли иш

* * *

8. Иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар тўлиқ аниқланмаганлиги, суднинг ҳал қилув қароридан баён этилган хулосаларнинг иш ҳолатларига мувофиқ келмаслиги суд ҳужжатларини бекор қилишга асос бўлади.

О.Мелиева жавобгар А.Мелиевга нисбатан судга даъво билан мурожаат қилиб, онаси З.Холикова ва отаси А.Мелиев 1979 йил 27 январда қонуний никоҳдан ўтиб оила қурганлиги, турмушларидан икки нафар фарзандлари

борлиги, онаси 1987 йилда вафот этганлиги, ота-онаси бирга яшаган даврларида Тайлоқ тумани, Найман маҳалласидаги уй-жойни курганликлари, ушбу уй-жойга Тайлоқ туман ҳокимининг 2016 йил 10 августдаги 2047Қ-сонли қарори билан А.Мелиевнинг эгалик ҳуқуқи белгиланганлиги, уй-жойни марҳум онаси отаси билан бирга яшаган даврида қуришганликларини кўрсатиб, марҳум онасини улушига ўзини, акаси Ш.Мелиев ва отаси А.Мелиевни меросхўр деб топиб, улушини ажратиб беришни сўраган.

Фуқаролик ишлари бўйича Самарқанд вилоят суди апелляция инстанциясининг 2018 йил 27 ноябрдаги ажрими билан ўзгаришсиз қолдирилган Тайлоқ туманлараро судининг 2018 йил 26 сентябрдаги ҳал қилув қарорига кўра, О.Мелиеванинг даъво талаби қаноатлантирилиб, Тайлоқ тумани, Найман маҳалласида жойлашган А.Мелиевга тегишли бўлган уй-жой марҳум З.Холиқова ва А.Мелиевнинг умумий мулки деб топилган.

О.Мелиева Тайлоқ тумани, Найман маҳалласида жойлашган А.Мелиевга тегишли бўлган уй-жойнинг $\frac{1}{2}$ қисмига меросхўр деб топилган.

О.Мелиевага Тайлоқ тумани, Найман қишлоғида жойлашган уй-жойнинг (лит.0002) турар жойнинг 1, 3-хоналари майдони $23,43+11,18=34,61 \text{ м}^2$, яъни тегишли ҳисса билан $34,61-34,30=0,31 \text{ м}^2$ кўп у ҳам бўлса, умумий яшаш майдонини $34,61/(68,60/100)=50,50 \%$, ёрдамчи майдони (лит.0001) турар жойнинг 2-хонасининг майдони $5,86 \text{ м}^2$ (лит.0003) айвоннинг бир қисми майдони $41,99 \text{ м}^2$ (лит.0006) ҳожатхонанинг майдони $3,68 \text{ м}^2$, (лит.а) дарвозанинг баҳоси ва ер майдони $827,0 \text{ м}^2$ қисми ажратиб берилган.

Судлов ҳайъатининг 2019 йил 24 декабрдаги ажрими билан суд қарорлари бекор қилиниб, О.Мелиеванинг даъвосини рад этиш ҳақида янги ҳал қилув қарори қабул қилинган.

Ишдаги ҳужжатларга кўра, З.Холиқова А.Мелиев билан 1979 йил 27 январда қонуний никоҳдан ўтиб турмуш қурган. Биргалик-

даги турмушларидан икки нафар, 1981 йилда туғилган Ш.Мелиев ва 1984 йилда туғилган О.Мелиева исмли фарзандлари бор.

З.Холиқова 1987 йилда вафот этган.

А.Мелиев 1988 йилда Э.Эминова билан қонуний никоҳдан ўтиб турмуш қурган. Биргаликдаги турмушларидан 2 нафар фарзандлари бор.

Тайлоқ тумани, «Найман» МФЙда жойлашган уй-жойга Тайлоқ туман ҳокимининг 2016 йил 10 августдаги 2047Қ-сонли қарори билан А.Мелиев номига эгалик ҳуқуқи белгиланган ва давлат рўйхатидан ўтказилган.

Даъво талабига асос қилиб, уй-жойлар марҳум онаси отаси билан бирга яшаган даврида қурилганлиги кўрсатилган.

Биринчи инстанция суди низоли уй-жойлар З.Холиқова билан А.Мелиевнинг турмуши даврида қурилган деб ҳисоблаб уй-жойни умумий мулк деб топган. Апелляция инстанцияси ҳам суднинг ушбу хулосаси билан келишган.


Аниқланишича, А.Мелиевга тегишли уй-жойга 2016 йилда кадастр ҳужжати тайёрланиб, туман ҳокимининг 2016 йил 10 августдаги 2047Қ-сонли қарорига асосан 2016 йил 11 августда давлат рўйхатига олинганлиги, ҳужжатга асосан 0001-литер уй-жой майдони $85,50 \text{ кв.метр}$ 1983 йилда қурилганлиги, 0002-литер уй-жой майдони $55,58 \text{ кв.метр}$ 2008 йилда қурилганлиги, қолган ёрдамчи иморатлар 1989, 2009, 2012 йилларда қурилганлиги кўрсатилган.

Шунингдек, манфаатдор шахс Э.Эркинова суд мажлисидаги тушунтиришларида низоли уй-жойга келин бўлиб тушганлигини, ўша вақтларда икки хона ва битта даҳлиз бўлганлигини, кейинчалик кўшимча қурилишлар қилишганлигини, уй-жойнинг иккита хонасини таъмирлаганликларини, уй-жойдан 30 йилдан бери фойдаланиб келаётганлигини баён қилган.

Ушбу ҳолатлар судларнинг эътиборидан четда қолиб, даъво асоссиз равишда қаноатлантирилган.

6-1843-19 сонли иш

* * *



КАРАНТИН ҚОИДАЛАРИГА РИОЯ ЭТМАСЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК МУҚАРРАР

Маълумки, коронавирус пандемияси бутун дунё бўйлаб кенг тарқалди ва Ўзбекистонни ҳам четлаб ўтмади.

Айни пайтда мамлакатимизда коронавируснинг кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш юзасидан кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, санитария-эпидемиологик осойишталикни таъминлаш, эпидемияга қарши курашиш ва карантин қоидаларига риоя этилиши устидан қатъий назорат ўрнатилди.

Жумладан, 2020 йил 26 мартда «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодексларига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонун қабул қилиниб, карантин билан боғлиқ қоидаларни бузганлик учун жавобгарлик чоралари қучайтирилди.

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига карантинли ва инсон учун хавфли бўлган бошқа юқумли касалликлар пайдо бўлиши ва тарқалиши шароитида тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини қўллаш қоидалари киритилди.

Карантинли ва инсон учун хавфли бўлган бошқа юқумли касалликлар пайдо бўлиши ёки тарқалишининг олдини олиш ишларини тўлақонли амалга ошириш мақсадида жамоат жойларида ниқобсиз юрганлик учун жарима белгиланди.

Бундан ташқари, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 54-моддасида

қуйидаги ҳаракатлар учун жавобгарлик белгиланган:

- карантинли ва инсон учун хавфли бўлган бошқа юқумли касалликлар пайдо бўлиши ҳамда тарқалиши шароитида ваколатли органнинг махсус талабларига зид равишда жамоат жойларида ниқобсиз бўлиш;

- карантинли ва инсон учун хавфли бўлган бошқа юқумли касалликлар пайдо бўлишининг ёки тарқалишининг олдини олиш мақсадида белгиланган мажбурий қоидаларни бузиш;

- карантинли ва инсон учун хавфли бўлган бошқа юқумли касалликлар пайдо бўлиши ҳамда тарқалиши шароитида шифохонадаги ички тартибга риоя этмаслик;

- давлат санитария назорати органларининг тиббий текширувдан ўтиш ва даволаниш, карантинни ўташ учун белгиланган жойларга етиб бориш ва ушбу жойларни белгиланган муддат давомида тарқатмаслик, касаллик юқиш хавфи мавжуд бўлган даврда мулоқотда бўлинган шахслар ва борилган жойлар ҳақидаги маълумотларни ошкор қилиш тўғрисидаги ёки бошқа қонуний талабларини узрли сабабларсиз бажармаслик.

Ҳозирги кунга қадар коронавируснинг кириб келиши ва тарқалишини олдини олиш юзасидан чора-тадбирлар дастурини тайёрлаш бўйича республика махсус комиссияси томонидан бир қатор карантинли ва инсон учун хавфли бўлган бошқа юқумли касалликлар пайдо бўлишининг ёки тарқалишининг олдини олишнинг мажбурий қоидалари белгиланган.

Ўзбекистон Республикасига коронавируснинг кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар дастурини тайёрлаш бўйича республика махсус комиссияси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 январдаги Ф-5537-сонли Фармойиши билан ташкил этилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 23 мартдаги «Коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида 176-сонли қарорининг 12-бандига мувофиқ, Махсус комиссиянинг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари идоравий бўйсунуви ва ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар, барча ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахслари, шунингдек фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий ҳисобланади.

Карантин қоидалари ва санитария чекловларига риоя қилиш юзасидан тушунтириш ишлари олиб борилишига қарамасдан, ҳамон қоидабузарлик ҳолатлари кузатилмоқда.

Карантин тадбирлари эълон қилинган вақтдан бугунги кунга қадар, яъни 2020 йил 16 апрель ҳолатига Тошкент вилояти бўйича карантин қоидаларига амал қилмаслик билан боғлиқ жами – 10.504 та ҳолат аниқланиб, ваколатли органлар томонидан кўриб чиқилган.

Тошкент вилоят маъмурий судлари томонидан карантин тадбирлари эълон қилинган вақтдан бугунги кунга қадар 108 нафар шахсга нисбатан 77 та маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар кўриб чиқилган бўлиб, ҳуқуқбузарларнинг 49 нафарига жарима жазоси, 59 нафарига маъмурий қамоққа олиш жазоси тайинланган.

Содир этилган ҳуқуқбузарликни таҳлил қилганимизда, асосан жамоат жойларида тиббий ниқоб тақмасдан юриш билан бирга жамоат жойларида уятли сўзлар билан сўкиниш, жамоат тартибини ва фуқароларнинг осойишталигини бузувчи шу каби бошқа хатти-ҳаракатларда ифодаланган жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимаслик ҳуқуқбузарликлари содир этилган-

лиги ачинарли ҳолдир.

Мисол учун, фуқаро К.Д. карантин эълон қилинган бўлишига қарамасдан юзига ниқоб тақмасдан кўчада маст ҳолатда бақир-чақир қилиб, уятсиз сўзлар билан сўкиниб, майда безорилик содир қилиб, ИИБ ходимларининг ҳуқуқбузарлигини тўхтатиши ҳақида огоҳлантиришига қарамасдан ҳаракатларини давом эттириб, ИИБ ходимларининг қонуний талабларига бўйсунмаслик ҳуқуқбузарликларини содир этганликда Бекобод туман маъмурий суди томонидан айбдор деб топилиб, ўн сутка муддатга маъмурий қамоққа олинган.

Бундан ташқари, фуқаролар Ж.И. ва Ш.И.лар 2020 йил 13 апрель куни карантин қоидаларини бузиб, яъни карантин ва инсон учун хавфли бўлган бошқа юқумли касалликлар пайдо бўлишининг ёки тарқалишининг олдини олиш мақсадида белгиланган мажбурий қоидаларини бузиб, мақсадсиз кўчада бўлиб, спиртли ичимлик ичиб, кўчада жанжал, тўполон ва бақир-чақир қилиб, жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимасдан майда безорилик содир қилгани сабабли ИИБ ходимлари келиб улардан тинчланишини сўраган вақтида, Ж.И. ва Ш.И.лар ИИБ ходимларини қонуний талабларига бўйсунмаслик ҳуқуқбузарликларини содир этганликда Нурафшон шаҳар маъмурий суди томонидан айбдор деб топилиб, Ш.И.га 4 млн. 460 минг сўм миқдорда жарима солиниб, Ж.И. ўн сутка муддатга маъмурий қамоққа олинган.

Фуқаролар Ш.У., К.А., И.К., Д.М., Ш.Т., Ф.Н. ҳамда П.Р.лар 2020 йил 2 апрель куни карантин қоидаларига амал қилмасдан, «Энергетик» сихатгоҳида ички тартиб қоидаларини бузиб, карантинда сақланаётган бошқа фуқаролар ва карантин олиб бораётган ходимларни олдида бақир-чақир қилиб, ҳар хил уятли сўзлар билан жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимасдан, тинчликни таъминлаш учун келган ИИБ ходимларининг ҳуқуқбузарликни тўхтатиш учун қилган қонуний талабларига бўйсунмаслик ҳуқуқбузарликларини содир

этганликда Юқоричирчиқ туман маъмурий суди томонидан айбдор деб топилиб, уларнинг ҳар бири ўн беш сутка муддатга маъмурий қамокқа олинди.

2020 йил 13 апрель куни тахминан соат 13:00ларда Пискент тумани ИИБ ходимлари томонидан ўтказилган махсус тадбир жараёнида Пискент тумани, Саидобод МФЙ ҳудудида жойлашган умумий овқатланиш жойида шу туманда яшовчилар З.М., Л.М., З.Ғ., К.М., Т.Н., Ж.А., У.Т., Ш.Э., Б.Р., Б.А. ва Д.М.лар карантинли ва инсон ҳаёти учун хавfli бўлган бошқа юқумли касалликлар пайдо бўлиши ҳамда тарқалиши шароитида жамоат жойида ниқобсиз бўлганлари ҳолда ўзаро йиғилиб ўтиришганини, З.М., Л.М., З.Ғ., К.М., Т.Н. ва Ж.А.лар эса қонунга ҳилоф равишда пул эвазига қимор ўйини ўйнаётганлари аниқланган.

ИИБ ходимлари аниқланган ҳолат бўйича ҳолислар иштирокида ҳужжат расмийлаштирмоқчи бўлганларида, З.М., Л.М., З.Ғ., К.М., Т.Н., Ж.А., У.Т., Ш.Э., Б.Р., Б.А. ва Д.М.лар ИИБ ходимларини ҳолат юзасидан тушунтириш беришдан иборат қонуний талабларини бажармасдан, шахсларига оид маълумотларни маълум қилишдан бош тортиб, бақир-чақир қилиб шовқин кўтариб, жамоат тартибини бузишда ифодаланган майда безорилик ҳаракатларини содир этишган.

Ушбу ҳолат юзасидан ИИБ ходимлари томонидан ҳолислар иштирокида далолатнома расмийлаштирилиб, воқеа жойидан ўйин карталари ва 270 000 сўм миқдордаги нақд пул далилий ашё тариқасида ҳужжатлаштириб олинган.

Суд томонидан ушбу шахсларнинг ҳар бирига қилмишидан келиб чиқиб, тегишли жарималар ва маъмурий қамок жазолари тайинланди.

2020 йил 18 апрель куни тахминан соат 20:00ларда Пискент тумани, Навоий МФЙ яшовчи Ф.С. спиртли ичимлик истеъмол қилиб, маст бўлгани ҳолда отасининг хонадонига бориб, кўчада отаси ва яқин қариндошлари билан жанжаллашиб, бақир-чақир қилиб шовқин кўтариб, уларнинг тинчлиги-

ни бузиб майда безорилик ҳаракатларини содир этган.

Ушбу ҳолат юзасидан туман ИИБга келиб тушган хабар бўйича ИИБ ходимлари воқеа жойига бориб Ф.С. кўчада белгиланган карантин қоидаларини бузиб, ниқобсиз юрганлигини ҳамда майда безорилик ҳаракатларини содир этганлигини аниқлашган. ИИБ ходимлари унинг ушбу ҳуқуқбузарлик ҳаракатларини тўхтатиш ва уни тинчлантириш мақсадида ИИБ биносига боришни талаб қилишганида, уларнинг қонуний талабларини бажармасдан, жамоат жойида ўзининг майда безорилик ҳаракатларини давом эттирган.

Суд мажлисида ҳуқуқбузар Ф.С. ўз айбига иқдор бўлиб, бошқа бундай ҳолат такрорланмаслигини, оилавий шароитини инобатга олган ҳолда унга нисбатан енгиллик беришни сўради.

С.Ф. Ўзбекистон Республикаси МЖТК 54-моддасининг биринчи қисми, 183-моддаси ва 194-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликларни содир этганликда айбли деб топилиб, унга базавий ҳисоблаш миқдорининг беш баравари миқдорида – 1 111 500 сўм жарима жазоси қўлланилиб, ўн беш сутка маъмурий қамок жазоси тайинланди.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, энг аввало, аҳолимиз карантин қоидалари ва шифокорлар маслаҳатига амал қилган ҳолда, ваҳимага тушмасдан давлатимизга ишониб ёрдам бериши ва қўллаб-қувватлаши керак.

Халқимиз бошига бундай кулфатлар тушган бир пайтда фуқароларимиз бирдамликни қўлдан бермасдан, жипслашиб, карантин қоидаларига қатъий амал қилишса, албатта, ушбу синовли кунлардан муваффақиятли ўтиб оламиз.

М. АБАБАКИРОВ,
Тошкент вилоят маъмурий
суди раиси

ИҚТИСОДИЙ ИШЛАРНИ АПЕЛЛЯЦИЯ ВА КАССАЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИ СУДЛАРИДА КЎРИШ АМАЛИЁТИ

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми томонидан 2019 йил 24 декабрда «Апелляция ва кассация инстанцияси судлари томонидан иқтисодий процессуал қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида» 26-сонли қарор қабул қилинган. Ушбу қарор иқтисодий судларда иштирок этувчи шахслар, шунингдек ишда иштирок этишга жалб қилинмаган, аммо ҳуқуқлари ва мажбуриятлари тўғрисида суд ҳал қилув қарори қабул қилган шахсларнинг биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорлари устидан апелляция ёки кассация шикоятини қабул қилиш, уларни кўриб чиқиш суд амалиётини такомиллаштиришга хизмат қилади.

Бироқ, Пленум қарорида ўз аксини топмаган, суд амалиётда юзага келадиган айрим масалалар ҳам мавжуд.

Жумладан, маълумки, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси (ИПК)га мувофиқ, апелляция ва кассация шикоятига (протестига) ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга апелляция, кассация шикояти (протести) ва унга илова қилинган, уларда мавжуд бўлмаган ҳужжатларнинг кўчирма нусхалари юборилганлиги ёки топширилганлигини тасдиқловчи ҳужжат ҳам илова қилиниши керак (ИПКнинг 264 ва 287-моддалари). Амалиётда шикоят берувчи шахс томонидан шикоятнинг нусхасини ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга почта орқали эмас, балки шахсан топшириш ҳолатлари кузатилади ва бу ҳам қонун билан тақиқланмаган. Лекин, баъзи ҳолларда шикоят нусхаси ишда иштирок этувчи шахс бўлган юридик шахсга топ-

ширилганлигининг тасдиғи сифатида имзоланган ва бирон-бир фамилия қўйилган шикоят нусхаси судга топширилади. Ушбу имзо ва унинг эгасининг юридик шахсга қандай алоқаси борлиги эса номаълумлигича қолади. Шу боис, фикримизча, шикоятга (протестга) унинг кўчирма нусхаси топширилганлигини тасдиқловчи ҳужжат илова қилинган тақдирда, мазкур ҳужжат шикоятнинг (протестнинг) кўчирма нусхасини қабул қилган шахс томонидан имзоланган бўлиши ва унда ушбу шахснинг исми (исми ёки исми ва отасининг исмининг бош ҳарфлари), фамилияси ва лавозими кўрсатилган бўлиши лозим. Шикоятнинг (протестнинг) кўчирма нусхаси юридик шахс томонидан қабул қилиб олинганлиги тўғрисида ёзув киритилиб, бу ёзув муҳр ёки штамп билан тасдиқланган бўлса ҳам шикоятнинг (протестнинг) кўчирма нусхаси топширилган деб ҳисобланишига эътибор берилиши лозим. Агар шикоятни қабул қилиб олган шахснинг лавозими кўрсатилмаган ёки имзо юридик шахснинг муҳри ёхуд штамп билан тасдиқланмаган бўлса, ушбу шикоят юридик шахсга топширилмаган деб баҳола- ниши лозим.

Шикоятга илова қилиниши лозим бўлган, масалан, давлат божи, почта харажатлари тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар ёки шикоят нусхаси ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга юборилганлигини тасдиқловчи маъмурий ҳужжатлар илова қилинмаган, лекин судьянинг хатоси туфайли ушбу шикоят иш юритишга қабул қилинган бўлса, ушбу шикоят мазмунан кўрилиши лозим. Фикримизча, бундай ҳолда суд ши-

коят (протест) берган шахсдан ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга шикоятнинг (протестнинг) нусхалари юборилганлигини тасдиқловчи ҳужжатни талаб қилиши лозим. Шикоятни (протестни) берган шахс томонидан шикоятнинг (протестнинг) нусхаси ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга юборилганлигини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этиш имкони бўлмаганда, суд уларга шикоятнинг (протестнинг) нусхасини суд мажлисида топшириш чораларини кўриши, суд харажатларини ундириш масаласини ишни кўриш натижалари бўйича қонунда белгиланган тартибда ҳал этиши лозим. Чунки, ИПКда апелляция ёки кассация шикоятини иш юритишга қабул қилиш ҳақида ажрим устидан шикоят бериш назарда тутилмаган.

Амалиётда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар, яъни ишларни апелляция ва кассация инстанциясида кўрадиган судларда шикоятларни (протестларни) кўриб чиқиш учун суд таркибини шакллантириш имконияти бўлмай қолиши мумкин. Бундай ҳолларда эса, иш Олий суд томонидан бошқа судга ўтказилиши керак. Шундай вазият юзага келган ҳолларда баъзи судлар шикоят (протест) келиб тушиши билан, баъзилари эса уни иш юритишга қабул қилганидан сўнг, ишни бошқа судга юбормоқда. Шу боис, судларда бир хил амалиётни жорий қилиш лозим бўлади. Фикримизча, агар судда шикоятни (протестни) кўриб чиқиш учун суд таркибини шакллантиришнинг имкони бўлмаса, ушбу судда фаолият кўрсатаётган судья шикоятни (протестни) якка тартибда иш юритишга қабул қилиш масаласини шикоят келиб тушган кундан бошлаб беш кунлик муддатда ҳал қилиши, шундан сўнг шикоятни (протестни) апелляция ёки кассация тартибида кўриш учун ишни бошқа иқтисодий судга ўтказиш масаласини ҳал қилиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий судига мурожаат қилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

ИПК 275-моддасининг биринчи қисмида апелляция шикояти берган шахс ишни кўриш якуни бўйича суд ҳужжати чиқарилгунига қадар ундан воз кечишга, иккинчи қисмида эса суд шикоятдан воз кечишни ушбу Кодекс 157-моддасининг учинчи қисмида назарда тутилган асослар бўйича рад этишга ва ишни апелляция тартибида кўришга ҳақли эканлиги белгиланган. ИПК 298-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида кассация шикоятидан воз кечиш бўйича ҳам худди шундай норма белгиланган.

ИПК 157-моддасининг учинчи қисмига кўра, суд даъвонинг асоси ва предмети бир вақтда ўзгартирилишини қабул қилмайди. Суд даъводан воз кечишни ҳам, даъво талаблари миқдорини камайтиришни ҳам, агар бу қонун ҳужжатларига зид бўлса ёки бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини бузса, қабул қилмайди. Бундай ҳолларда суд ишни мазмунан кўради.

Ушбу нормалар мазмунидан англашиладики, апелляция ва кассация шикояти бўйича иш юритишни ИПК 273-моддаси биринчи қисмининг 4-банди ҳамда 296-моддаси биринчи қисмининг 4-бандига асосан тугатиш масаласи ҳал этилаётганда судлар шикоятдан воз кечишнинг қонун ҳужжатларига зид эмаслигини, бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларига таъсирини ўрганиши лозим. Фикримизча, агар шикоятдан воз кечиш қонун ҳужжатларига зид бўлса ёки бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини бузса, бундай воз кечишни қабул қилиш мумкин эмас.

Лекин, ушбу қоидадан фарқли ўлароқ, ИПКнинг 275 ва 298-моддаларида прокурор ёки юқори турувчи прокурор томонидан протестни чақириб олиш тўғрисида ариза келиб тушган бўлса, Кодексда бундай аризани муҳокама қилиш назарда тутилмаган. Шунинг учун прокурор ёки юқори

турувчи прокурор томонидан протестни чакириб олиш тўғрисида ариза келиб тушган тақдирда, ушбу аризани муҳокама қилмасдан протест бўйича иш юритиш ИПК 273-моддаси биринчи қисмининг 5-банди ва 296-моддаси биринчи қисмининг 5-бандига асосан тугатилиши лозим. Лекин, шуни ҳам қайд этиш керакки, агар протест берилган суд ҳужжати устидан назорат шикоятни ҳам берилган бўлса, шикоят мазмунан кўрилиши зарур.

Апелляция ёки кассация инстанцияси суди томонидан ишни кўриш натижаси бўйича биринчи инстанция судининг қарори бекор қилиниб, иш янгидан кўриш учун биринчи инстанция судига юборилган ҳолларда апелляция ёки кассация инстанцияси суди қарори устидан назорат шикояти берилса, биринчи инстанция суди қандай йўл тутиши ИПКда назарда тутилмаган. Шу боис, бундай ҳолларда биринчи инстанция суди иш юритишни ИПК 101-моддасининг 1-бандига мос ҳолда тўхтатиб туриши лозим бўлади. Фикримизча, ушбу қонун Олий суд Пленумининг «Биринчи инстанция суди томонидан иқтисодий процессуал қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида» 2019 йил 24 майдаги 13-сонли қарорига ҳам киритиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Маълумки, ИПКнинг 262, 285-моддаларида апелляция, кассация шикояти бериш муддатини тиклаш тўғрисида илтимоснома киритиш учун белгиланган икки ойлик ҳамда олти ойлик муддат қатъий ҳисобланади. Олий суд Пленумининг 26-сонли қарорига ҳам ушбу муддат ўтказиб юборилганидан кейин берилган бундай муддатни тиклаш ҳақидаги илтимоснома рад этилиши, муддати ўтказиб берилган апелляция, кассация шикоятини (протестини) қабул қилиш эса, ИПКнинг 268, 291-моддаларига асосан рад этилиши лозимлиги алоҳида белгиланган. Лекин, амалиётда ишда иштирок этувчи шахслар айрим сабабларга кўра (масалан, манзили ўзгарган

бўлса) биринчи инстанция суди томонидан қабул қилинган суд ҳужжати мавжудлигидан хабарсиз қолган ҳолатлар ҳам учрайди. Бундай ҳолатда ушбу шахс суд ҳужжати устидан шикоят бериш ҳуқуқидан маҳрум бўлиб қолиши мумкин. Шунинг учун ИПКнинг 262 ҳамда 285-моддаларида белгиланган муддатни ҳисоблаш шикоят берган шахснинг бундай суд ҳужжатидан хабардор бўлган ёки хабардор бўлиши мумкин бўлган пайтдан бошланиши ҳақида ИПКга тегишли ўзгартириш киритиш мақсадга мувофиқ бўлади.

ИПКнинг 278 ва 301-моддаларида апелляция ва кассация инстанцияси судининг ваколатлари белгиланган. Ушбу моддаларнинг тегишлича 5 ва 3-бандларига кўра, апелляция ва кассация инстанцияси судлари ҳал қилув қарори ишда иштирок этишга жалб қилинмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисида қабул қилинган бўлсагина, ушбу нормада кўрсатилган асос билан ишни янгидан кўриш учун юбориш мумкин. Яъни, апелляция ва кассация инстанцияси суди фақатгина битта асос билан ишни янгидан кўриш учун юборишга ҳақли. Бизнингча, биринчи инстанция суди даъвони кўрмасдан қолдирган ёки иш юритишни тугатган ҳолларда ҳам апелляция ва кассация инстанцияси суди ишни янгидан кўриш учун биринчи инстанция судига юбориш ваколатига эга бўлиши лозим. Чунки, биринчидан, бундай ҳолларда биринчи инстанция суди томонидан иш мазмунан кўрилмаган бўлади. Иккинчидан, агар иш юритишни тугатиш ёки даъвони кўрмасдан қолдириш тўғрисидаги ажрим апелляция ёки кассация инстанцияси суди томонидан бекор қилиниб, иш мазмунан кўрилса, ишда иштирок этувчи шахслар битта инстанция судига мурожаат қилиш ҳуқуқидан маҳрум бўлади.

Б. САЙФУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Олий суди судьяси

ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ – ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ГАРОВИ

Халқаро тажриба шуни кўрсатмоқдаки, ҳар қандай давлатда, ҳудудда туризмни ривожлантириш, энг аввало, сайёҳлик намоиши объектлари ва инфратузилмаси ҳудудларида хавфсизликнинг таъминланганлик даражасига боғлиқдир. Шунинг учун ҳам ички ишлар органлари тизимида туб ислохотларни амалга оширишнинг асосий йўналишларидан бири – туризм хавфсизлигини таъминлаш бўлинмаларини ташкил этиш ва уни ривожланган давлатлар туризм полицияси даражасида фаолият олиб боришига эришишдир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 23 ноябрдаги «Бухоро, Самарқанд, Хива ва Шаҳрисабз шаҳарларида хавфсиз туризмни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг қабул қилиниши ушбу йўналишдаги илк қадам бўлди. Мазкур қарорга асосан Бухоро, Самарқанд, Хива ва Шаҳрисабз шаҳарларида хавфсиз туризмни таъминлаш концепцияси тасдиқланди.

Концепцияга мувофиқ Бухоро, Самарқанд, Хоразм ва Қашқадарё вилоятлари ички ишлар бошқармалари тузилмаларида бошлиқлари бир вақтнинг ўзида вилоят ички ишлар бошқармалари бошлиқларининг ўринбосарлари ҳисобланадиган хавфсиз туризмни таъминлаш бошқармалари ташкил этилди.

Қуйидагилар улар фаолиятининг асосий йўналишлари этиб белгиланди:

бевосита сайёҳлик намоиши объектлари ва инфратузилмаси ҳудудларида жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш ва жинойатчиликка қарши кураш борасида ички ишлар органлари фаолиятини ташкил қилиш;

хавфсиз туризмни таъминлаш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини ахбо-

рот-техник қўллаб-қувватлаш, улар ўртасида мувофиқлаштирилган ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш ва қатъий назорат қилиш;

сайёҳлик намоиши объектлари ва инфратузилмаси ҳудудларида юзага келадиган тезкор ва жиноий ҳолатларни тизимли таҳлил қилиш, сайёҳларга нисбатан содир этиладиган ҳуқуқбузарликлар сабаблари ва шароитларини аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш юзасидан манзилли чора-тадбирлар кўриш.

2018 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Хавфсиз туризмни таъминлашни мувофиқлаштириш бошқармаси ва унинг Бухоро, Самарқанд, Хоразм ва Қашқадарё вилоятларида ҳудудий бўлинмалари ташкил этилиб, лавозимлар танлов асосида бир нечта хорижий тилларда эркин сўзлаша оладиган, касбий жиҳатдан юксак муомала маданиятига эга ходимлар билан тўлдирилди, моддий-техник базаси мустаҳкамланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 январдаги «Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ПФ-5611-сонли Фармони¹ билан 2019 – 2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантириш Концепцияси тасдиқланди. Унда мамлакатнинг саёҳат ва дам олиш учун хавфсиз мамлакат сифатидаги обрўсини мустаҳкамлаш мақсадида юқори туристик салоҳиятга эга бўлган ҳудудларда хавфсиз туризмни таъминлаш бўйича ички ишлар органларининг махсус бўлинмаларини ташкил қилиш, уларни замонавий техника ва транспорт воситалари билан таъминлаш белгиланди.

Мазкур талаблардан келиб чиққан ҳолда туризм объектларида жамоат хавфсизлигини самарали таъминлашнинг сифат жиҳатидан

янги босқичига ўтиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 мартдаги «Транспорт ва туризм объектларида жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг самарали тизимини жорий этишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4229-сонли қарорига² мувофиқ 2018 йилдан Бухоро, Самарканд, Хива ва Шахрисабз шаҳарларида жорий этиб келинаётган Хавфсиз туризмни таъминлаш концепцияси Тошкент шаҳри, Тошкент ва Сурхондарё вилоятларига ҳам татбиқ этилиб, унда белгиланган чора-тадбирлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Концепцияда белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун Тошкент шаҳар ва Тошкент вилоят ички ишлар бош бошқармалари ҳамда Сурхондарё вилоят ички ишлар бошқармаси таркибида ҳам хавфсиз туризмни таъминлаш бошқармалари ташкил этилди.

Қарорга мувофиқ янгидан ташкил этилган бошқармалар фаолиятининг асосий йўналишлари қуйидагилар ҳисобланади:

бевосита туризм намоёйиши объектлари ва инфратузилмаси ҳудудларида жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт

олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари хизматини самарали ташкил қилиш;

ички ишлар органларининг хавфсиз туризмни таъминлаш борасидаги фаолиятига ахборот-техник жиҳатдан қўмаклашиш, улар ўртасидаги ўзаро мувофиқлаштирилган ҳамкорлик устидан қатъий назорат ўрнатиш;

туризм намоёйиши объектлари ва инфратузилмаси ҳудудларида криминоген вазиятни тизимли таҳлил қилиш, туристларга нисбатан содир этиладиган ҳуқуқбузарликлар сабаблари ва шароитларини аниқлаш ҳамда уларни баргараф этиш юзасидан манзилли чора-тадбирларни амалга ошириш.

Бундан ташқари, ушбу қарор билан мамлакатда хавфсиз туризмни таъминлаш соҳасида 2019 йил 1 апрелдан бошлаб қуйидаги янги тартиблар жорий этилди:

биринчидан, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Хавфсиз туризмни таъминлашни мувофиқлаштириш бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлинмалари шартнома асосида туристлар ва туристик гуруҳларни, шу жумладан, автотранспортда ҳаракатланиш

АННОТАЦИЯ

Мақолада ички ишлар органлари хавфсиз туризмни таъминлаш бўлинмаларининг ташкил этилиши, уларнинг асосий фаолият йўналишлари, шунингдек транспорт ва туризм объектларида жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг самарали тизимини жорий этиш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг мазмун-моҳияти, бу борадаги янги тартиб ва механизмлар юзасидан мулоҳаза юритилган.

* * *

В статье рассматривается процесс создания подразделений органов внутренних дел по обеспечению безопасного туризма, основные направления их деятельности, а также сущность и содержание осуществляемых мер по обеспечению безопасности на объектах транспорта и туризма, в частности внедряемые в практику указанных структурных подразделений новые порядки и механизмы.

* * *

The article considers the content and essence of the measures taken to ensure safe tourism in the internal affairs bodies, their main areas of activity, as well as the introduction of an effective system of ensuring public safety in transport and tourism facilities, in particular, new procedures and measures introduced to the practice of these structural structures were discussed.

вақтида кузатиб бориш ҳамда моддий маданий мерос объектларида жамоат тартибини сақлаш бўйича пулли хизматлар кўрсатиш ҳуқуқига эга бўлдилар;

иккинчидан, транспорт объектларида, биринчи навбатда туризм йўналишидаги поездларда хавфсиз туризмни таъминлаш бўйича вазифалар транспортда хавфсизликни таъминлаш бўлинмалари томонидан амалга оширилмоқда;

учинчидан, транспорт объектларида содир этилган жиноят ва ҳодисалар ҳақидаги хабар ва аризаларни ҳисобга олиш ва қайд этиш марказлашган тартибда транспортда хавфсизликни таъминлаш бўлинмаларининг навбатчилик қисмлари томонидан амалга оширилмоқда;

тўртинчидан, транспорт объектлари ва уларга туташ ҳудудларда содир этилган жиноятлар билан боғлиқ баҳсли материалларни кўриб чиқишга доир қарор қабул қилиш Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг транспорт ва туризм объектларида хавфсизликни таъминлаш бўйича ўринбосари томонидан Ўзбекистон Республикаси Транспорт прокуратураси билан келишилган ҳолда амалга оширилмоқда;

бешинчидан, туризм йўналишидаги темир йўл транспортда ҳаракатланиш давомида содир этилган, тегишлилиги бўйича ички ишлар органларига тааллуқли бўлган маъмурий ҳуқуқбузарликларни кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш уларда жамоат тартибини самарали таъминлаш учун кузатувчи профилактика инспекторлари лавозимларини босқичма-босқич жорий этиш орқали бевосита поездларнинг ўзида амалга оширилмоқда;

олтинчидан, темир йўл вокзаллари ва аэропортлар атрофида йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидалари бузилишининг олдини олиш ва уларга чек қўйиш ҳудудий ички ишлар органлари билан биргаликда транспортда хавфсизликни таъминлаш бўлинмалари томонидан амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Хавфсиз туризмни таъминлашни мувофиқлаштириш бошқармаси Хавфсиз ту-

ризмни таъминлаш концепциясининг амалга оширилиши учун масъул бўлган ишчи орган сифатида фаолият олиб бормоқда.

Шунингдек, мазкур қарорда ички ишлар органлари, хусусан унинг хавфсиз туризмни таъминлаш ҳамда транспортда хавфсизликни таъминлаш бўлинмаларининг фаолиятига оид қуйидаги қоидалар ҳам белгиланди:

хавфсиз туризмни таъминлаш бўлинмалари ўз хизмат фаолиятида Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири томонидан тасдикланадиган алоҳида фарқловчи белгилар, автотранспорт воситаларида ягона светографик схемалар ҳамда эмблемадан фойдаланишлари мумкин;

бошқарма бошлиқлари бир вақтнинг ўзида тегишлича Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси, Тошкент ва Сурхондарё вилоятлари ички ишлар бошқармалари бошлиқларининг ўринбосарлари ҳисобланади;

Тошкент шаҳар, Тошкент ва Сурхондарё вилоятлари ҳокимлари тегишли вазирлик ва идоралар ҳудудий бўлинмаларининг Хавфсиз туризмни таъминлаш концепциясини амалга ошириш бўйича фаолияти устидан тизимли назоратни таъминлайдилар ҳамда уларнинг яқин ва самарали ҳамкорлигини ташкил этиш бўйича шахсан жавобгар ҳисобланадилар;

ички ишлар органлари республикада хавфсиз туризмни таъминлаш аҳволини тизимли мониторинг қилади ҳамда туристлар оқими ва юзага келаётган тезкор вазият таҳлили асосида мазкур йўналишдаги иш самарадорлигини ошириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига вақти-вақти билан таклифлар киритиб боради ва ҳоказо.

Бундан ташқари, мазкур қарорга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирлига шартнома асосида «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ маблағлари ҳисобидан туристик йўналишлар бўйича темир йўл поездларида профилактика инспекторларининг қўшимча штат бирликларини жорий этиш, шунингдек транспорт объектларида ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва ўз вақтида чек қўйиш ҳамда фавқулодда ҳолатларда ҳаракатланиш мақса-

дида идоравий вертолёт техникаси имкониятларидан фойдаланиш тартибини белгилаш ҳуқуқи берилди.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, Хавфсиз туризмни таъминлаш концепциясини тўлақонли амалга оширишнинг самарали механизми сифатида 2019 йил 1 апрелдан бошлаб юридик шахс ташкил этмаган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳузурида Хавфсиз туризмни таъминлаш жамғармаси ташкил этилиши ҳамда уни шакллантиришнинг аниқ манбалари белгиланди.

Мазкур қарорга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирига Хавфсиз туризмни таъминлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан хавфсиз туризмни таъминлаш бўлинмалари ходимларининг қўшимча штат бирликларини жорий қилиш ҳамда туризм намоиши ва инфратузилмаси объектларининг сони ҳамда ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ушбу соҳага фуқароларни шартнома асосида жалб қилиш, шунингдек хавфсиз туризмни таъминлаш бўлинмалари ходимлари учун, қонунчиликда белгиланган бошқа қўшимча ҳақлардан қатъи назар, лавозим маошининг 100 фоизигача бўлган миқдорда рағбатлантирувчи устамалар жорий этиш ҳуқуқи берилди.

Хавфсиз туризмни таъминлаш жамғармаси маблағлари қандай мақсадларда сарфланиши мазкур қарорда қатъий белгилаб қўйилди. Унга мувофиқ жамғарма маблағлари фақат қуйидагилар учун сарфланади:

хавфсиз туризмни таъминлаш бўлинмаларининг ходимларини рағбатлантириш ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш;

хавфсиз туризмни таъминлаш бўлинмалари ходимларининг касбий тайёргарлигини ошириш, улар томонидан илғор хорижий тажрибани, шу жумладан хорижий мамлакатларга чиқиш орқали ўрганиш билан боғлиқ тадбирларни ташкил этиш;

хавфсиз туризмни таъминлаш бўлинмалари ходимларининг қўшимча жорий этилган ва бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилмайдиган штат бирликларини ҳамда шартнома асосида жалб қилинган фуқароларни молиялаштириш;

хавфсиз туризмни таъминлаш соҳасида кўргазма ва ярмаркаларни ўтказиш, лойиҳа, дастур ва бошқа тадбирларни амалга ошириш.

Хавфсиз туризмни таъминлаш концепцияси талабларидан келиб чиққан ҳолда мазкур қарорга мувофиқ Ўзбекистон Республикасида хавфсиз туризмни таъминлаш самардорлигини ошириш бўйича «Йўл харитаси» тасдиқланиб, бугунги кунда унда белгиланган чора-тадбирлар тизимли равишда амалга оширилиб келинмоқда.

Мамлакатимизда Хавфсиз туризмни таъминлаш концепциясининг самарали амалга оширилаётганлигининг натижаси сифатида 2018 йилда Ўзбекистон Американинг Gall up институти ўтказган сўровномага биноан дунёнинг энг хавфсиз 5 мамлакати рўйхатига кирганлигини кўрсатишимиз мумкин³.

«Туризм тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг⁴ қабул қилиниши мамлакатимиз туризм салоҳиятининг юқори даражага қўтарилиши, шунингдек барча ҳудудларда, айниқса, туризм намоиши объектлари ва инфратузилмаси ҳудудларида самарали хавфсизлик тизимини жорий этиш учун янги имкониятларни яратмоқда.

И. ИСМАИЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси
ИИВ Академияси «Жамоат тартиби
ва хавфсизликни таъминлаш»
кафедраси бошлиғи,
юридик фанлар
доктори, профессор

¹ <http://lex.uz/docs/4143188>

² <http://lex.uz/docs/4229310>

³ http://namnews.uz/content/uzbekiston_dunyoning_eng_havfsiz_beshta_davlati_atorida

⁴ <http://lex.uz/docs/4428097>

ОИЛА – ҚОНУН ҲИМОЯСИДА

Никоҳ – оилавий муносабатлардан келиб чиқадиган ишларни кўришда судлар зиммасига алоҳида масъулият юклатилади.

Шу боис, фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан никоҳ ва оилавий низолар билан боғлиқ ишларни кўришда, аввало, оилаларни сақлаб қолиш, эр-хотин ва уларнинг болалари ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилишга устувор вазифа сифатида қаралмоқда.

Суд амалиётидан олинган айрим мисоллар ҳам бунинг исботидир.

Даъвогар У. Достонов судга мурожаат қилиб, жавобгар М. Шавкатов билан никоҳлари 2009 йилда қайд этилганлиги, биргаликдаги турмушлари давомида бир нафар фарзандли бўлганлиги, бироқ жавобгар билан 2011 йил май ойидан буён бирга яшамасликлари, жавобгар «Учқудук шаҳридан менинг номимга квартира олсангиз, сиз билан яшайман» деб, унга шарт қўйганлиги учун ҳамда яна бошқа қатор сабаблар туфайли никоҳдан ажратишни сўраган.

Суд мажлисида жавобгар даъвони тан олмади ва фарзандининг келажагини ўйлаган ҳолда даъвогар билан ажрашишга қарши эканлигини айтиб, суддан даъвони рад қилишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 41-моддасига асосан, агар суд эр ва хотиннинг бундан буён биргаликда яшашига ва оилани сақлаб қолишга имконият йўқ деб топса, уларни никоҳдан ажратади.

Суд томонидан тарафларга ярашиш учун тегишли муддат берилди. Учқудук туман хотин-қизлар кўмитаси ва «Дўстлик» МФЙ вакиллари томонидан тарафлар билан суҳбатлар ўтказилиб, уларни яраштириш имкони борлиги ҳақида хулоса қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Судлар томонидан никоҳдан ажратиш ҳақидаги ишларни кўришда қонунларни қўллаш амалиёти тўғрисида» 2011 йил 20 июлдаги қарорининг 16-бандига кўра, никоҳдан ажратиш тўғрисидаги талаб фақат эр-хотин бундан буён бирга ҳаёт кечиришларининг ва оила батамом бузилганлиги сабабли уни сақлаб қолишнинг иложи йўқлиги аниқланган ҳолатдагина қаноатлантирилиши лозим. Турмушда кечадиган вақтинчалик келишмовчиликлар, тасодифий сабабларга кўра эр-хотин ўртасида келиб чиққан ихтилофлар,

шунингдек эр-хотиндан бирининг ёхуд иккаласининг жиддий асослар келтирмаган ҳолда никоҳ муносабатини давом эттиришни хоҳламаслиги никоҳдан ажратиш учун етарли асос бўла олмайди.

Суд юқоридагиларга асосан даъвогарнинг никоҳдан ажратиш ҳақидаги даъво талабини рад қилди.

Даъвогар М. Салимова жавобгар И. Норовга нисбатан никоҳдан ажратиш тўғрисидаги даъво аризаси билан судга мурожаат қилиб, у жавобгар билан 2017 йилда никоҳдан ўтганлиги, биргаликдаги турмушлари давомида бир нафар фарзандли бўлганликлари, бироқ турмуши бошиданоқ ёлғон билан бошланганлиги, турмуш ўртоғи ҳар гапида алдаб келиши, ҳақоратлаши, уришини, ҳозирда ота-онасининг қарамоғида вояга етмаган қизи билан биргаликда яшаб келишини айтиб, ярашиш учун муддат бермасдан никоҳдан ажратишни сўраган.

Бироқ, ишни судда кўриш жараёнида тарафларга берилган зарур тушунтиришлар натижасида даъвогар ўз даъвосидан воз кечди.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодекси 124-моддасининг 3-бандига кўра, даъвогар арз қилган талабларидан воз кечган ва суд бу воз кечишни қабул қилган бўлса, суд иш юритишни тугатади.

Шу боис, суд даъвогар М. Салимованинг даъводан воз кечишини қабул қилиб, ушбу воз кечиш бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига таъсир этмаслигини эътиборга олиб, мазкур фуқаролик ишини тугатишни лозим деб ҳисоблади.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. 2019 йил давомида биргина фуқаролик ишлари бўйича Учқудук туман суди томонидан никоҳдан ажратиш тўғрисидаги 12 та фуқаролик иши юзасидан ярашиш учун муддат бериш ҳақида ажрим, шунингдек масъулиятсизликка йўл қўйган яраштириш комиссияларига нисбатан хусусий ажримлар чиқарилган.

Б. ШЕРМАТОВ,
фуқаролик ишлари бўйича
Учқудук туман суди раиси,

Р. ЖЎРАЕВ,
суд масъул ходими

ОММАВИЙ ТАДБИРЛАР ЎТКАЗИШ ЖАРАЁНИДА ЖАМОАТ ТАРТИБИНИ САҚЛАШНИ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАЪМИНЛАШ

Жамоат тартибини таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсатининг энг муҳим тамойиллари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, қонунлари ва қонуности ҳужжатларида ўз ифодасини топган. Мазкур тамойиллар у ёки бу ҳолатда ўзаро бир-бири билан боғлиқ тизимни ташкил қилади. Айни пайтда, тизимдан у ёки бу тамойилни ажратиб олиш ҳар бир тамойилнинг ролини аниқ белгилаб олишга имкон беради ва уларни амалиётда қўллашни осонлаштиради.

Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда ўтган давр мобайнида ички ишлар органлари тизимини такомиллаштириш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилди. Айниса, ички ишлар органларининг маҳалларда жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жинойтчиликка қарши курашиш учун ташкил этилган куйи бўғинини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш бўйича салмоқли ишлар қилинди¹.

Ташкилий-ҳуқуқий тамойиллар сирасига шундай тамойиллар кирадики, улар асосида жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш амалда ташкил қилинади, яъни уларнинг барча турлари ягоналиги ва ўзаро боғлиқлиги, улар устидан тегишли давлат органлари ва жамоат институтларининг назорати каби омилларга амал қилинади. Жамоат тартибини муҳофаза қилиш шунинг англатадики, унда ҳар қандай одам ўз ҳаёти, соғлиғига қарши ҳар қандай тажовуздан муҳофаза қилиниш, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига тажовуз қиладиган ғайриқонуний ҳатти-ҳаракатлардан ҳимояланиш учун хавфсизлик субъектларига мурожаат қилиш борасида тенг ҳуқуққа эга. Мазкур ҳуқуққа жамоат тартибини муҳофаза қиладиган субъектларнинг фуқаронинг мурожаатини кўриб чиқиш ва у бўйича зарур чоралар кўриш мажбуриятлари мос келади. Мазкур тамойил

жамоат хавфсизлиги объектларига нисбатан хавфга тенг равишда жавоб беришни, таъсир чорасини тўғри қўллашни ўз вақтида таъминлашни талаб қилади, токи жамоат хавфсизлиги соҳасида қонунбузарликни содир этган ҳар бир шахс адолатли жавобгарликка тортилсин, унга ғайриқонуний қилмишга яраша адолатли жазо берилсин, айбсиз жавобгарликка жалб қилиниб, жазога ёки жаримага тортилмасин.

Қонунларни билиш жамоат тартибини таъминлаш масалаларини илмий ҳал қилишнинг зарурий шарти сифатида намоён бўлади. Обьективлик тамойили ҳодисаларнинг ижтимоий муҳитдаги мавжуд қийинчиликлар ва қарама-қаршиликларнинг ҳақиқий ҳолатини ҳисобга олиш ва таҳлил қилишни тақозо қилади.

Фикримизча, жамият қонунларидан фойдаланишда объектив қонуниятлар билан одамларнинг субъектив фаолияти ўртасидаги боғлиқлик мавжуд. Ҳуқуқшунос олимларни фикрича, илмийлик асосида маълумотларни чуқур таҳлил қилиш, долзарб муаммоларни аниқлаш, режалаштириш, хавфсизликни таъминлаш бўйича истиқболдаги чораларни режалаштириш, муаммоларни ҳал қилишнинг оптимал вариантларини ишлаб чиқиш, белгилаб олинган режаларни амалга оширишнинг энг самарали йўллари, воситалари ва услубларини танлашни тақозо қилади².

Амалиётда қўлланиладиган самарадорлик мезонларига, одатда, вазифани бажариш ҳаражати миқдори, муддати, уни қопланиш муддати ва бошқа кўрсаткичлар киради.

Жамоат тартибини муҳофаза қилувчи субъектининг вазифасини масаланинг ечим вариантларини иложи борича юқори эҳтимоллик даражаси билан аниқлаш ва ўрганиш, башарти хавфсизлик субъекти ихтиёрида барча ресурслар етарли бўлса, хавфсизлик мақсадларига эришишни енгиллаштиради. Бундан ташқари, мазкур вариантлар хавфсизлик муҳитига таъ-

сир қиладиган катта-кичик, ички ва ташқи вазият омилларини, у ёки бу қарор ёки ҳаракатнинг ижтимоий оқибатларини ҳам эътиборга олиши зарур. Хавфсизликни таъминлашнинг самарали воситалари ичида хавфсизликни таъминлашнинг рағбатлантириш, моддий манфаатдорлик, ўз ишининг натижалари учун масъулият каби оптимал услубларини танлаш муҳим ўрин эгаллайди. Самарадорликни ошириш ишида хавфсизлик субъектларига оқилона ташаббус ва мустақил фаолият учун кенг майдон яратиб бериш муҳим аҳамият касб этади. Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, «Конституциямизда белгиланган қонун устуворлиги принципи жамиятимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, барча ислохотларни самарали амалга оширишнинг муҳим кафолатидир»³.

Албатта, тинчлик ва осойишталик бўлмаган жойда сиёсий, ижтимоий, маданий ва иқтисодий ривожланиш ҳам бўлмайди. Оммавий тадбир даврида кичик бир ҳуқуқбузарлик ҳолатидан оммавий тартиббузарлик ёки катта талафотлар келтирувчи оммавий жиноий ҳаракатлар бошланиб кетиши мумкин. Оммавий тадбирни ўтказишда жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш оммавий тадбирлар ўтказиладиган жойларни қурилишига (қурилиш лойиҳасига) хавфсизлик бўйича қўйиладиган талаблардан бошланиши керак.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда кўплаб жамоат иншоотлари, оммавий тадбирлар ўтказиладиган жойлар қурилмоқда. Лекин, аксарият ҳолларда ушбу иншоотларни лойиҳасини тайёрлашда жамоат хавфсизлиги, ёнгин ва йўл ҳаракати хавфсизликлари инобатга олинмай қолмоқда. Ҳозирги кундаги мавжуд қонун ва бошқа қонун ости ҳужжатларида тегишли ваколатли органларни хавфсизлик масаласи бўйича талабларини бажариш ёки лойиҳаларни тайёрлашда уларни ҳам руҳсатини олиш қатъий белгилаб берилмаган. Бу эса, ҳозирги кунда оммавий тадбирлар ўтказиладиган жойларни қурилишида жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминланиши маъмурий ҳуқуқий муаммолари мавжудлигидан далолат беради.

Бизнинг фикримизча, оммавий тадбирларнинг ўтказилиш жойига жамоат хавфсизлиги тамойиллари асосида қўйилган талаблар ҳам ўзининг қонуний ечимини топмаган. Бунинг натижасида, айрим ҳолларда оммавий тадбирлар ўта муҳим ва тоифаланган объектлар, чегара ҳудудлари, жазони ижро этиш муассасаларига туташ жойларда ҳам ўтказилиши кузатилмоқда. Бу эса, оммавий тадбир ўтказишдаги жамоат тартиби ва фуқаролар хавфсизлигига бўлган таҳдидни кескин оширади. Ушбу муаммоли ҳолатни ҳал этиш оммавий тадбирлар ўтказишда жамоат тартиби ва фуқаролар хавфсизлигини тўлиқ таъминлаш учун қонун ишлаб чиқилиши-

АННОТАЦИЯ

Мақолада оммавий тадбирларни ўтказишда жамоат тартибини ташкилий-ҳуқуқий таъминлаш бўйича мавжуд муаммолар таҳлил этилган.

Таянч нушунчалар: оммавий тадбир, оммавий йиғилишлар, оммавий тартибсизликлар, жамоат тартиби, жамоат жойлари, масжид, хавфсизлик.

* * *

В статье проанализированы современные проблемы организационно-правового обеспечения охраны общественного порядка при проведении массовых мероприятий.

Ключевые слова: массовое мероприятие, массовые собрания, массовые беспорядки, общественный порядок, общественные места, мечети, безопасность.

* * *

The article analyzes the current problems and the importance of administrative and legal support for the protection of public order and security during mass events.

Key words: mass event, mass meetings, mass riots, public order, public places, mosques, security.

ни такозо этади ва ушбу конунда куйидагиларни киритиш лозим бўлади:

Оммавий тадбирлар ўтказилиши тақиқланадиган жойларга куйидагилар кирази:

1) кўприк йўллар, темир йўл магистраллари ҳамда темир йўллар, нефть, газ ва маҳсулот ўтказиладиган полосалар, юқори кучлианшли электр узатиш линиялари;

2) хавфли ишлаб чиқариш объектларига ҳамда фойдаланиши махсус хавфсизлик техникаси қоидаларига риоя этилишини талаб этадиган бошқа объектларга бевосита туташ ҳудудлар;

3) суд бинолари, озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазони ижро этувчи муассасаларнинг ҳудудлари ва биноларига бевосита туташ ҳудудлар.

Ҳозирги даврдаги мавжуд норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда оммавий тадбир ташкилотчилари давлат ҳокимият органлари, юридик ва жисмоний шахслар бўлиши белгиланган, лекин ҳаракатдаги конун ҳужжатларида ўрнатилган қоидаларда жисмоний шахс сифатидаги ташкилотчиларнинг аниқ ёшлари белгиланмаган. Шунингдек, ташкилотчи бўла олмайдиган жисмоний ва юридик шахслар таркиби эса кўрсатилмаган. Бу эса, давлат бошқарув органлари ва ички ишлар идоралари томонидан оммавий тадбирларни ўтказишга ташкилотчилар билан бўладиган ижтимоий муносабатларда кўп ҳолларда муаммоли ҳолатларни ёки ташкилотчилар томонидан нозиликлар туғилишига сабаб бўлмоқда.

Юқоридаги қайд этилган маъмурий-ҳуқуқий ҳолатларни ҳал этиш учун бизнинг фикримизча, оммавий тадбирларни ўтказиш тўғрисида конун ишлаб чиқилиб, ушбу конунга оммавий тадбир ташкилотчиси бўла олмайдиган шахсларни киритилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги Қонунда

оммавий тадбирлар ўтказиладиган жойларни қурилиш лойиҳасига Ички ишлар вазирлигининг Давлат йўл ҳаракат хавфсизлиги Бошқармаси томонидан белгиланган ҳудудда транспорт воситаларининг ҳаракат хавфсизлиги ва сақлаш жойлари бўйича қўйиладиган талаблар тўғрисида ҳуқуқий ваколатлари белгиланмаган. Бунинг натижасида охириги даврларда қуриладиган ўйингоҳ, концерт заллари, ресторан, супермаркет ва бошқа оммавий тадбирлар ўтказиладиган жойлардаги транспорт ҳаракатлари ёки тўхташ жойлари, умуман йўл ҳаракати хавфсизлигига жавоб бермайди.

Юқорида қайд қилинганларни инобатга олган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги Қонунининг 9-моддасига куйидагича қўшимча киритиш таклиф этилади:

- «оммавий тадбир ўтказиш даврида маҳаллий ҳокимият билан келишилган тартибда туташ ҳудудлардаги транспорт ҳаракатларини чеклаш ёки йўлларда транспорт ҳаракатларини умуман тақиқлайди».

Охириги йилларда мамлакатимизда ўтказиладиган ижтимоий ва ҳуқуқий ислоҳотлар демократик ҳуқуқий давлат қуриш йўлида фуқаролик жамиятларини ривожланиши ҳозирги кунда оммавий тадбирларни ўтказишда жамоат тартибини сақлашнинг ташкилий – ҳуқуқий таъминлашнинг бир қатор муаммолари мавжудлигидан далолат беради. Юқорида қайд этиладиганларни инобатга олиб, оммавий тадбирлар тўғрисидаги қонунни ишлаб чиқилиши мақсадга мувофиқ бўлар эди.

А. ХУДОЙБЕРДИЕВ,
Ўзбекистон Республикаси ИИВ
Академияси «Маъмурий ҳуқуқ»
кафедрасининг катта
ўқитувчиси

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5005-сонли Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2017. – № 15. – 243-м.

² Россинский Б.В., Стариков Ю.Н. Административное право. М.- Норма, 2010. – С. 45.

³ Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси.